

# СТРАТЕГИЯЛАШ

НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

338

К 34

**Владимир КВИНТ**  
**ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА**  
**СТРАТЕГИРОВАНИЯ**



Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова

Московская школа экономики

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети

Москва иқтисодиёт мактаби


Владимир КВИНТ

# **СТРАТЕГИЯЛАШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ**

## **ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СТРАТЕГИРОВАНИЯ**

«TASVIR»

Тошкент 2018



**УЎК 323(575.1)**  
**КБК 66.3(5Ў)**

Квинт В.Л.

Стратегиялаш назарияси ва амалиёти [Текст] : дайджест. / В.Л.Квинт. – Тошкент : Тасвир, 2018. – 160 б.

Квинт В.Л.

**К 34** Теория и практика стратегирования [Текст] : дайджест. / В.Л.Квинт. – Ташкент : Тасвир, 2018. – 160 с.  
Vladimir Kvint.

Strategizing: Theory and Practice. [Text] : digest. / V.Kvint. – Tashkent : Tasvir, 2018. – 160 p.

**ISBN 978-9943-4003-7-5**

**УЎК 323(575.1)**  
**КБК 66.3(5Ў)**



© Квинт В. Л., 2016

© Kvint Vladimir L., 2016

# **ВЛАДИМИР КВИНТНИНГ**

## **“СТРАТЕГИЯЛАШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ (ДАЙДЖЕСТ)” НОМЛИ КИТОБИГА СЎЗБОШИ**

Академик, Россия Фанлар академиясининг чет эллик аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Владимир Львович Квинтнинг “Стратегиялаш назарияси ва амалиёти (дайджест)” номли китоби олимнинг дунёнинг қатор мамлакатларида чоп этилган илмий ишлари, энг аввало, “Global Emerging Market: Strategic Management and Economics” (АҚШ ва Буюк Британия, 2009, Routledge нашриёти) ҳамда “Strategy for the Global Market: Theory and Practical Applications” (АҚШ ва Буюк Британия, 2016, Routledge нашриёти) каби фундаментал монографияларида ифодасини топган узок йиллик тадқиқотлари натижаларини ўзида мужассамлаган.

Жаҳон иқтисодиёти глобализацияси миллий давлатларнинг халқаро бозорларда миллий манфаатларни ишлаб чиқариш омиллари глобал ҳаракати тенденциялари билан мувофиқлаштириш стратегиясини тобора кўпроқ қўллаган ва айни пайтда дунё миқёсидаги консенсусда ўз ўринларини топган ҳолда трансмиллий корпорациялар каби ўзаро рақобатга киришишларига олиб келди. Давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш масалаларига стратегик ёндашув миллий давлатлар фаолиятининг барча йўналишларида устуворлик қила бошлади, бу эса стратегиялаш тўғрисидаги фан соҳасидаги назарий тавсиялар ва амалий кўникмаларга бўлган талабларнинг жадал суръатларда ўсишига олиб келди.

Ўз навбатида навбатдаги глобал молиявий инқироздан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётининг доимий турбулентлик ва юқори даражадаги ноаниқлик билан характерланиши стратегик хомашё турлари ва қўшимча қиймати юқори бўлган товарлар сотиш бозорларини эгаллаш йўлидаги халқаро рақобатни янада кучайтириб юборди. Жаҳон иқтисодиётидаги ушбу ҳолат, дунё товар ва молия бозорларидаги волатиллик таъсири остида тобора кескинлашган ҳолда, ҳукуматлар ва трансмиллий корпорациялардан ўзларининг иқтисодий, сиёсий ҳамда технологик характердаги стратегик устуворликларини аниқлаш ва улардан фойдаланишга

асосланган рақобатбардош стратегияларни ишлаб чиқиш ва изчил равишда амалиётга жорий этишни талаб қилади.

Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми ўзининг глобал рақобатбардошлик ҳақидаги ҳар йилги маърузаси (шунингдек, шу номдаги Индекс) доирасида давлатларнинг рақобатбардошлик стратегиясини уларнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлик позицияларини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим манбаи сифатида эътироф этади. Ушбу тезис давлатларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳар қандай мамлакатнинг ваколатли институтлари томонидан стратегиялаш назарияси, методологияси ва амалий воситаларини ўзлаштириш масалаларига жиддий ёндашувни тақозо этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида шиддатли, сифат жиҳатидан бутунлай янги ўзгаришлар содир бўлмоқда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликлари тубдан қайта кўриб чиқилмоқда, бунёдкорлик жараёнларига иқтисодий тараққиётнинг янги самарали драйверлари жалб этилмоқда. Иқтисодий тартибга солишнинг эски, ўз салоҳиятини йўқотган институт ва воситалари ўрнини иқтисодиётга таъсир этишнинг янги инновацион ва самарали шакл ва усуллари эгалламоқда.

Мамлакатда амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегияси глобал бозорнинг ривожланиши ва халқаро конъюнктура прогнозларининг энг замонавий, энг кескин тенденцияларини ҳисобга олишга қаратилган ана шундай стратегик дастурий ҳужжатдир. Ҳаракатлар стратегияси мамлакатни ҳудудий ва тармоқлар кесимида ривожлантириш, энг мақбул инвестицион ва бизнес муҳитини яратиш, макроиқтисодий мувозанат ва иқтисодиётнинг молиявий барқарорлигига эришиш, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашининг деярли барча йўналишларини қамраб олган. Ушбу стратегик мақсадларнинг барчаси Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган.

Юқоридаги фикрлар В.Л. Квинтнинг “Стратегиялаш назарияси ва амалиёти” номли асарининг ўта долзарблиги ҳамда юсак илмий ва методологик аҳамияти-

дан далолат беради. Китоб муаллифи таъкидлаганидек, стратегия, инсон фаолияти-нинг малакавий-амалий йўналиши сифатида кўп асрлик тарихга эга, фан тармоғи сифатида эса – нисбатан ёш. Шунга қарамай, сўнгги йилларда, рақобатбардош стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасидаги назария ва амалиётга бўлган қизиқиш, айниқса, миллий ҳукуматлар ва трансмиллий корпорациялар миқёсида шиддат билан ўсиб бормоқда.

Профессор Владимир Львович Квинт стратегиялаш назарияси, методологияси ва амалиёти соҳасидаги йирик иқтисодчи олим, глобал шаклланаётган бозор назарияси асосчиси, Умумий стратегия назариясини ишлаб чиққан таниқли мутахассис саналади. Унинг китоблари доимий равишда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Словения, Польша, Албания ва бошқа мамлакатларда чоп этилиб келинади. Менимча, шу ўринда, стратегиялаш назарияси ва амалиёти элементларини ўзида муҳасамлаган бундай асарнинг биринчи маротаба ўзбек тилида чоп этилаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Муаллиф ўзининг китобини ўзбек тили – Темурланг тилида нашрдан чиқариш ҳақидаги таклифимизни жуда катта қизиқиш билан қўллаб-қувватлади.

Кўлингиздаги китобни яхшилаб мутолаа қилган китобхон стратегиялашнинг фундаментал тушунчалари, категориялари ва методологияси, стратегик бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмлари ва жараёнларини яхши билиб олади. Мазкур асар моҳиятан стратегиялаш объектининг ўзига хослиги ва кўламидан қатъи назар, у ёки бу фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланувчилар учун бебаҳо қўлланма вазифасини ўтайди.

Китоб муаллифи стратегиялаш соҳасининг йирик олими ва амалиётчи-эксперти сифатида асар мундарижасини шундай тузганки, ишни энди бошлаётган мутахассис ҳам материални энг керакли минимал ҳажмда осонгина ўзлаштириб олади. Бунда қўлланган ўқув материални визуаллаштириш технологияси ўқувчига оз вақт ичида кўпроқ ахборотни ўзлаштириб олиш имкониятини беради. Бу эса китобнинг қулайлиги ва фойдалилигини таъминлаб, унинг амалий аҳамиятини оширади, ўқувчилар аудиториясини кенгайтиради.

Китобда стратегия назариясининг асосий тушунчалари, фалсафий илди-злари, стратегнинг шахс ва юксак малакали мутахассис сифатидаги моҳияти очиб берилди. Ишда, шунингдек, стратегик фикрлаш масалалари, жумладан, стратегик фикрлашнинг В.Л.Квинт томонидан баён қилинган 15 та қоидаси кўриб чиқилган. Стратегия тизими ва қоидалари китобда марказий ўрин эгаллайди, зеро, улар замонавий стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг моҳияти ва аҳамияти, тузилиши ва механизмларини ифода этади.

Ишончим комилки, китобнинг “Муаллифдан” бўлими интиҳосида профессор В.Л.Квинт келтирган қуйидаги жумлалар ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига алоҳида ифтихор туйғусини бағишлайди: «Мазкур китобим барча замонлар ва халқларнинг буюк стратегларидан бири бўлмиш Амир Темур тилига таржима қилинаётгани профессионал стратег сифатида мени жуда хушнуд қилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим». Айтиш жоизки, буюк саркарда Амир Темурнинг стратеглик феномени олимнинг бошқа асарларида батафсил таҳлил қилинган.

Стратегнинг шахс ва профессионал сифатидаги концепциясини умумлаштирган ҳолда профессор В.Л.Квинт шундай деб ёзади: «...стратег бу – стратегиялаш методологиясига суянган ҳолда стратегик фикрлайдиган, келажакни кўра биладиган ва ҳис эта оладиган, зукко, интизомли ва оптимистик руҳдаги профессионалдир. Стратег янги глобал қонуниятларни тезда илғаб олади, стратегиялаш объектининг муваффақияти ва мақомини ошириш учун унинг фундаментал қадриятлари ва манфаатлари хусусида чуқур билимларни эгаллайди».

Стратегик фикрлашнинг илк бор профессор В.Л. Квинт томонидан ишлаб чиқилган ноёб қоидалари алоҳида диққатга сазовордир. Ушбу 15 та қоида ўзига хос таянч тамойиллар мажмуи бўлиб, у ёки бу фаолиятни стратегиялаш жараёнида унга амал қилиш лозим. Муаллиф: «Қачонки ташкилотда стратегия бўлмаса, уни ҳеч шак-шубҳасиз инерция эгаллаб олади. Инерция – инновацион стратегик ғоялар учун асосий тўсикдир», – деб ёзиб, фикрлашнинг инерциявийлигига стратегик тафаккурнинг асосий душмани сифатида қарайди. Мазкур тезис Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган инновацион ғоялар ва технологияларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббуси чуқур илмий ва методологик асосларга эга эканлигининг ёрқин тасдиғидир.

Муаллиф қатъий мантикий кетма-кетликка риоя қилган ҳолда миссия, узоқ-ни кўра олиш, мақсадни аниқлай билиш, вазифаларни белгилаш, стратегик сценарийни танлаш, тактикани белгилаш, ҳамда стратегиялаш объекти сиёсатини ишлаб чиқиш каби стратегиянинг асосий категорияларини бирма-бир кўриб чиқади. Стратегиялаш жараёнлари методологиясини ўрганиш доирасида стратег-ўқувчи ушбу фаолиятнинг салмоқли амалий воситалари билан куролланишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ бўлиб, мазкур фаолиятнинг асосий мағзи муаллиф томонидан ниҳоятда профессионал шаклда баён этилган.

Назаримда, китобнинг «Бошқарувнинг стратегик тизими концепцияси», ҳамда «Стратегик раҳбарлик ва бошқарув функциялари» номли хотима бўлимлари, стратегик бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш масалалари билан машғул ва лидерлик функциялари ва ваколатларига эга бўлган шахсларда катта қизиқиш уйғотади.

Ҳозирги кунда барчамиз Ўзбекистон Республикаси стратегик асосланган, кенг кўламли тараққиёт босқичига қадам кўяётганининг гувоҳимиз. Шахсан мамлакат Президенти раҳбарлигида ҳукумат иқтисодиётнинг ўта шиддат билан портлаш характеридаги юксалишини, Ўзбекистоннинг муносиб равишда ва чуқур ўйланган ҳолда жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциялашувини таъминлаш йўлида мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-молиявий ва техник-технологик базани шакллантирмоқда. Қолаверса, ҳаммамиз ҳам мамлакатимизнинг қайта уйғониши билан боғлиқ бўлган мазкур тарихий жараёнда у ёки бу шаклда бевосита иштирок этмоқдамиз.

Моҳиятан, давлат фуқароларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш мақсадида республиканинг барча қиёсий устунликларидан ҳар томонлама унумли фойдаланган ҳолда, жумладан, йирик трансмиллий капитални ҳам фаол жалб этиш ҳисобига мамлакатда энг қулай инвестицион ва бизнес муҳитини шакллантиришга йўналтирилган улкан рақобатбардош стратегияни ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Шу муносабат билан, китобхон, стратегиялаш назарияси ва методологияси контекстида мамлакатни миллий, ҳудудий ва тармоқлар кесимида ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган ва амалга оширилаётган давлат дастур-



ларини синчиклаб таҳлилдан ўтказиши мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу дастурларда мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, жамиятни демократлаштириш ҳамда инсон манфаатлари устувор бўлган ҳақиқий фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича узвий боғлиқ ва мантиқан бир-бирини тўлдирувчи чора-тадбирларнинг яхлит стратегиясини кўриш мумкин бўлади.

Бунда шуни чуқур англашимиз лозимки, мамлакат Президенти ва ҳукуматининг бош мақсади мамлакатнинг ҳар бир фуқароси эртага ёки индинга эмас, балки айнан бугун муносиб ҳаёт кечириши учун энг зарур ва илғор шароитларни яратишдан иборатдир. Китобда одилона кўрсатилганидек, бу шундан далолат берадики, мамлакат раҳнамоси ўзининг стратегик кўра олиш қобилияти билан мамлакатни модернизациялаш жараёнларига ҳаммага тушунарли оҳанг бағишлаган ҳолда стратегияни амалга ошириш натижаларидан барчанинг баҳраманд бўлиши орқали мамлакатнинг ҳар бир фуқаросини бирдек руҳлантира олмақда. Зеро, миллий стратегияни айнан фуқаролик жамияти амалга оширади.

Буларнинг барчаси профессор В.Л. Квинтнинг “Стратегиялаш назарияси ва амалиёти” асари ҳозирги Ўзбекистоннинг ўқувчи аудиторияси учун ниҳоятда катта илмий-методологик ва амалий аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор намоён қилади. У иқтисодчи олимлар, амалиётчи-стратеглар, ижро бўғини мутахассислари, барча масъул бошқарувчилар ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилувчи раҳбар-лидерлар учун бирдек фойдалидир.

Ушбу китобни мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиладиган «Стратегик бошқарув», «Персонални бошқариш», «Стратегик маркетинг» ва «Бизнес стратегияси» каби ўқув курслари учун амалий қўлланма сифатида тавсия этиш мумкин.

***Мирзиёева Саида Шавкатовна***

# ПРЕДИСЛОВИЕ

## К КНИГЕ: ВЛАДИМИР КВИНТ. «ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СТРАТЕГИРОВАНИЯ (ДАЙДЖЕСТ)»

Книга доктора экономических наук, профессора, академика, иностранного члена Российской академии наук Владимира Львовича Квинта «Теория и практика стратегирования (дайджест)» является концентрированным изложением результатов многолетних исследований ученого, которые отражены в его работах, изданных во многих странах мира, прежде всего, в двух фундаментальных монографиях: “Global Emerging Market: Strategic Management and Economics” (США и Великобритания, 2009, издательство Routledge) и “Strategy for the Global Market: Theory and Practical Applications” (США и Великобритания, 2016, издательство Routledge).

Глобализация мирохозяйственных связей привела к тому, что национальные государства начали конкурировать на международных рынках подобно транснациональным корпорациям, все в большей степени применяя стратегию балансирования национальных интересов с тенденциями глобального движения основных факторов производства, одновременно встраиваясь в консенсус миропорядка. Стратегический подход к вопросам формирования и реализации государственной политики начал превалировать во всех направлениях жизнедеятельности национальных государств, что привело к стремительному росту спроса на теоретические рекомендации и практические навыки в сфере стратегирования.

В свою очередь в период после очередного глобального финансового кризиса мировая экономика характеризуется перманентной турбулентностью и высокой неопределенностью, что обуславливает дальнейшее обострение международной конкуренции за рынки стратегических видов сырья и сбыта товаров с предельно высокой степенью добавленной стоимости. Указанное состояние мировой экономики, еще больше обостряемое волатильностью на глобальных товарных и финансовых рынках, настоятельно требует от правительств и транснациональных корпораций разработки и реализации конкурентоспособных стратегий, основанных на

выявлении и использовании их преимуществ, как экономического, так и политического и технологического характера.

Всемирный экономический форум в рамках своего ежегодного Доклада о глобальной конкурентоспособности (так же, как и одноименного Индекса) выделяет конкурентную стратегию государств в качестве важнейшего источника формирования и укрепления их международных конкурентных позиций. Данный тезис свидетельствует о необходимости самого серьезного отношения к вопросам разработки и реализации стратегии развития государств, овладения компетентными институтами той или иной страны теорией, методологией и практическим инструментарием стратегирования.

Сегодня в экономике Узбекистана происходят стремительные, качественно новые структурные и рыночные преобразования, кардинальным образом переосмысливаются приоритеты социально-экономического развития страны, в созидательный процесс включаются новые действенные драйверы экономического роста. Старые, изжившие свой потенциал институты и инструменты экономического регулирования уступают свое место новым инновационным и эффективным формам и методам воздействия на экономику.

Осуществляемая в стране Стратегия действий по развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годах является тем стратегическим программным документом, который призван учитывать современные, самые острые тенденции развития глобальных рынков и прогнозов международной конъюнктуры. Стратегия действий охватывает практически все направления регионального и отраслевого развития страны, создания самого благоприятного инвестиционного и бизнес-климата, достижения макроэкономической сбалансированности и финансовой устойчивости экономики, завоевания Узбекистаном достойного места в мировой экономике. Все эти стратегические ориентиры должны приводить к росту качества жизни населения Узбекистана.

Вышесказанное подтверждает высокую научную и методологическую ценность, актуальность и особую практическую значимость книги В.Л. Квинта «Теория и практика стратегирования». Автор книги справедливо отмечает, что стратегия –

как профессионально-практическое направление жизнедеятельности человека, имеет многовековую историю, тогда как отрасль науки – она еще сравнительно молодая. Тем не менее в последние годы стремительно растет интерес к теории и практике в сфере разработки и реализации конкурентных стратегий, особенно на уровне национальных правительств и транснациональных корпораций.

Владимир Львович Квинт является известным в мире ученым-экономистом в сфере теории, методологии и практики стратегирования, основателем теории глобального формирующегося рынка, разработчиком Общей теории стратегии. Его книги постоянно публикуются в США, Великобритании, России, Словении, Польше, Албании и других странах. Наверное, здесь уместно подчеркнуть, что подобный труд, сочетающий в себе элементы теории и практики стратегирования, впервые публикуется на узбекском языке. Автор с большим энтузиазмом поддержал нашу идею издания его книги на узбекском языке – языке Тамерлана.

Внимательное изучение книги, которую вы держите в руках, позволяет читателю ознакомиться с фундаментальными понятиями, категориями и методологией стратегирования, механизмом и процедурами разработки и реализации стратегических управленческих решений. Данная работа по сути является бесценным настольным справочником для тех, кто занимается разработкой и реализацией стратегий развития той или иной деятельности, причем независимо от специфики и масштабов деятельности объекта стратегирования.

Автор книги, будучи ведущим ученым и практикующим экспертом в области стратегирования, построил структуру работы таким образом, чтобы начинающему специалисту было легко усвоить материал, притом в самом минимально необходимом объеме. Примененная в книге технология визуализации учебного материала позволяет читателю усвоить больше информации за минимальный отрезок времени. Данное обстоятельство делает книгу весьма удобной и полезной, повышает ее практическую ценность, способствует расширению читательской аудитории.

Структура книги состоит из ключевых дефиниций, разъяснения философских корней теории стратегии, раскрытия сущности стратега как личности и профессионала. В работе также рассматриваются вопросы стратегического мышления,

в том числе 15 правил стратегического мышления, сформулированных В.Л. Квинтом. Система и законы стратегии занимают центральное место в книге, так как они описывают суть и значение, структуру и механизм разработки и реализации современных стратегий.

Моментом особой гордости для каждого гражданина Узбекистана, как мне кажется, является тезис, завершающий раздел книги «От автора», где профессор В.Л. Квинт отмечает: «Хочу подчеркнуть, что для меня как профессионального стратега очень приятно, что эта работа переводится на язык одного из величайших стратегов всех времен и народов – Амира Темура». Следует отметить, что феномен стратега великого полководца Амира Темура подробно анализируется в других трудах ученого.

Обобщая собственную концепцию стратега как личности и профессионала профессор В.Л. Квинт пишет: «...стратег – это мудрый, дисциплинированный и оптимистичный профессионал, имеющий стратегическое мышление, видение будущего и интуицию, подкрепленную методологией стратегирования. Стратег быстро воспринимает новые глобальные закономерности, обладает глубокими знаниями о фундаментальных ценностях и интересах объекта стратегирования для приумножения успеха и репутации этого объекта».

Особого внимания заслуживают оригинальные правила стратегического мышления, впервые разработанные профессором В.Л. Квинт. Эти 15 правил являются своего рода сводом основополагающих принципов стратега, которым он должен придерживаться в процессе стратегирования той или иной деятельности. «Когда у организации нет стратегии, ее неизбежно покоряет инерция. Инерция – основное препятствие для инновационных стратегических идей» – пишет автор книги, отмечая инерционность мышления как главного врага стратегического мышления. Данный тезис является ярким примером того, что инициированная Президентом Узбекистана идея всемерной поддержки инновационных идей и технологий имеет глубокие научные и методологические корни.

Автор в строгой логической последовательности рассматривает такие категории стратегии, как миссия, видение, целеполагание, определение задач, выбор

стратегического сценария, выбор тактики, а также разработка политики объекта стратегирования. В рамках изучения методологии данных процедур стратегирования нет сомнения, что читатель, работающий в области стратегии, вооружится солидным практическим инструментарием данной деятельности, квинтэссенция которого изложена автором в весьма профессиональной форме.

Завершающие разделы книги «Концепция стратегической системы управления», а также «Функции стратегического руководства и управления», на мой взгляд, представляют большой практический интерес для тех, кто занимается вопросами выработки стратегических управленческих решений, а также обладает лидерскими функциями и полномочиями.

Все мы являемся свидетелями того, что в настоящее время Республика Узбекистан находится на стадии перехода к стратегически обоснованному масштабному развитию. Правительство под личным руководством Президента страны формирует надежную нормативно-правовую, организационно-финансовую и технико-технологическую базу для стремительного и взрывного роста экономики, достойной и продуманной интеграции Узбекистана в мировое сообщество. Более того, все мы, в той или иной ипостаси, принимаем непосредственное участие в этом историческом процессе возрождения нашего Отечества.

По сути дела, государство с целью повышения уровня и качества жизни граждан разработало и реализует грандиозную конкурентную стратегию формирования в стране самого благоприятного инвестиционного и бизнес-климата, способного всемерно задействовать все сравнительные преимущества республики, в том числе за счет привлечения крупного транснационального капитала. В этой связи читателю в контексте теории и методологии стратегирования стоит тщательно проанализировать ход принимаемых и реализуемых государственных программ национального, регионального и отраслевого развития страны, где можно увидеть целостную стратегию взаимосвязанных и взаимодополняющих мер по коренному реформированию экономики и модернизации страны, демократизации всех сторон жизни и строительству истинно гражданского общества, где интересы человека превыше всего.

При этом надо понимать, что главным ориентиром Президента и правительства страны является обеспечение самых необходимых и передовых условий для достойной жизни каждого гражданина страны именно в настоящее время, а не завтра или послезавтра. Это свидетельствует о том, что, как справедливо указано в книге, лидер страны своим стратегическим видением задает всем понятный тон модернизации страны, мотивирует исполнителей тем, что результаты реализации стратегии принесут практическую выгоду всем без исключения гражданам страны. Ведь именно гражданское общество в целом и реализует национальную стратегию.

Все это еще раз подчеркивает научно-методологическую, практическую и общепознавательную ценность книги профессора В.Л. Квинта «Теория и практика стратегирования» для читательской аудитории современного Узбекистана. Она будет полезна для ученых-экономистов, практикующих стратегов, специалистов исполнительского звена, для всех управленцев и руководителей-лидеров, ответственных за принятие стратегических управленческих решений.

Данную книгу можно рекомендовать в качестве практического пособия по таким учебным курсам, как «Стратегическое управление», «Управление персоналом», «Стратегический маркетинг» и «Стратегия бизнеса», читаемым в учебных заведениях страны.

***Мирзиёева Саида Шавкатовна***

Владимир КВИНТ

**СТРАТЕГИЯЛАШ НАЗАРИЯСИ  
ВА АМАЛИЁТИ**

(ДАЙДЖЕСТ)



## МУАЛЛИФДАН

Яқинда – Ўзбекистонга аввалги сафаримдан сўнг 33 йил ўтиб – мен яна қайтиб Тошкент ва Самарқандни кўрдим, илк бор Бухорода бўлдим.

Улкан ўзгаришлар содир бўлган. Улар, айниқса, Тошкент ва Самарқандда яққол кузатилади. Мамлакатда ажойиб автомобиль йўллари қурилган, аъло сифатли меҳмонхоналар қад ростлаган. Ўқитувчилар ва талабалар билан учрашувларда катнашдим, ушбу олий ўқув юртлари, институтлар соз ҳолатда. Албатта, мен муаммоларни ҳам кўрдим, аммо энг муҳими – бу жамиятда ҳукм сураётган янги умидлар ва демократик ислохотлар муҳити. Келгуси ривожланишнинг устуворликлари қандай қиёфага эга, ресурсларни қандай йўналишларга жамлаш керак, янги мўлжаллар томон ҳаракатланиш суръати қандай – буларнинг барчаси миллий стратегияга оид саволлар бўлиб, уларга жавобни мамлакатнинг етакчилари таклиф этмоқда.

Ўзбекистоннинг кўп укладли, кўп тармоқли иқтисодиётининг янада самарали ривожланиши йўналишлари ва динамикасини белгилаш, чекланган ресурс таъминоти шароитида республика аҳолиси турмуш даражасининг бақарор ўсишига яқин 15-20 йилларга мўлжалланган, асосланган иқтисодий ва ижтимоий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида эришиш мумкин.

Стратегиялашнинг оқилона услубиётдан фойдаланиш Ўзбекистоннинг энг муҳим миллий манфаатларини аниқ ифодалаш, рақобатга оид устунликлардан фойдаланиш асосида мамлакат манфаатларига эришишга йўналтирилган устуворликлари ва уларга аниқлик киртитувчи мақсадларини ишлаб чиқиш имконини беради. Мақсадли дастурлар ва лойиҳалар орқали мамлакатнинг ушбу стратегиясини изчиллик билан амалга ошириш ажойиб Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига олиб келади.

Шу ўринда таъкидлашим керакки, мен 45 йилдан буён корпорациялар, минтақалар, давлатлар ва ҳатто ҳарбий тузилмалар учун стратегияларни ишлаб чиқмоқдаман ва айти пайтда умрим давомида оддий фуқаро бўлиб қолмоқдаман. Ўз тажрибаларим ва стратегияга оид тадқиқотларим натижаларини ўз китобларим ва мақолаларимда баён қилиб келмоқдаман. Ҳозиргача стратегия назарияси ва стра-

тегиялаш амалиётига доир ишланмаларимга оид уринишларимни энг мукамал тарзда ўзимнинг икки сўнги китобимда баён қилганман, улар Routledge нашриёти томонидан аввал Нью-Йоркда ва Лондонда чоп этилган. Биринчи китобим “The Global Emerging Market: Strategic Management and Economics” 2009 йилда, иккинчиси “Strategy for the Global Market: Theory and Practical Applications” – 2016 йилда чоп этилган. Ушбу тадқиқотнинг охирида китобхон ушбу китобларимнинг муқоваларини кўриш имкониятига эга бўлади

Ушбу китобларнинг ҳажмли катта, стратегиялаш объектлари – ташкилотлар, минтақалар ва мамлакатлар етакчилари эса – банд одамлар... Айни пайтда Ўзбекистоннинг етакчилари ҳам бевосита давлат стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муаммолари билан банд. Айнан шу сабабли мен ниҳоятда қисқа тарзда тезислар ва асосий қоидалар, тавсиялар шаклида, менинг назаримда, стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича етакчилар, раҳбарлар ва ёш амалиётчилар билиши зарур бўлган нарсаларни баён қилишга қарор қилдим. Моҳиятига кўра бу – дайджест – узок муддатли стратегиялаш жараёнлари бўйича навигатордир. Аммо ушбу дайджест билан танишиб чиққан инсонларда стратегиянинг назарияси ва амалиёти билан янада чуқурроқ танишиш истаги ёки зарурияти туғилса, баён қилинган тавсияларнинг асосларини топишни истаса, мен юқорида номлари тилга олинган китобларимни ўқиш, ўрганиш ва амалиётда қўллашни маслаҳат бераман.

Мен илмий изланишларимни қўллаб-қувватлаётган ва ишлаб чиқилган услубий ёндашувларни амалиётда қўллашга имконият яратаётган дўстларим ва ҳамкасбларимга ўз миннатдорлигимни билдираман. МДУ нинг молиявий стратегия кафедраси бўйича ўз ҳамкасбларим ва дўстларим, доцент Мурод Алимуродовга, ҳамда амалиётда стратегик ёндашувларни амалга оширишда иштирок этаётган, ушбу тадқиқотни тайёрлашда ёрдам берган шогирдим Саида Мирзиёевага алоҳида миннатдорлик билдираман

Владимир Квинт  
Москва – Нью-Йорк – Тошкент

2018 йил 28 июнь

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI  
TOSHKENT AXBOROT  
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

## АСОСИЙ ДЕФИНИЦИЯЛАР<sup>1</sup>

\*\*\*

**Стратегия** – бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди. Стратегия, бу – стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитни, келгуси шартларнинг мавжуд прогнозларини тизимли таҳлил қилиш натижасидир. Ушбу таҳлилнинг якуний маҳсули – бу ўзидан аввалги прогноз, вазифа, нуқтаи назар, устуворликлар ва узоқ муддатли мақсадлар ва вазифаларни қамраб олувчи расмийлаштирилган стратегия бўлиб, унинг қонунга мувофиқ амалга оширилишини стратегик мониторинги тизимидан фойдаланган ҳолда стратегик режани амалга ошириш орқали бажарилиши талаб этилади. Стратегия, бу – келажак ва номаълумлик парокандалиги орқали синовдан ўтган устуворликлар ва мақсадлар сари йўл бошловчидир. Бу ресурс чекланганлигини баҳолаш орқали ҳужумнинг тўғри танланган йўналиши билан бойитилган донишмандликдир.

\*\*\*

**Стратег**, бу – донишманд, интизомли ва оптимистик кайфиятли профессионал бўлиб, у стратегик тафаккурга, келажак ҳақидаги ўз фикрига ва стратегиялаш услугиёти билан мустаҳкамланган интуицияга эга. Стратег янги глобал қонуниятларни тезда қабул қилади, ушбу объектнинг муваффақиятини ва нуфузини ошириш учун унинг фундаментал қадриятлари ва манфаатлари ҳақида чуқур билимларга эга.

\*\*\*

**Стратегик бошқарув** – стратегияни, унинг таълимотини, уларда жамланган рақобатга оид афзалликлари, устуворликлари, мақсадлари ҳамда стратегиялаш

<sup>1</sup> В. Л. Квинтнинг «*The Global Emerging Market: Strategic Management and Economics*» монографиясида chop этилган тадқиқот асосида. New-York, London: Routledge-Taylor&Francis, 2009. Рус тилидаги таржимаси: «*Стратегическое управление и экономика на глобальном формирующемся рынке*». – М.: Бизнес Атлас, 2012. – 627 б. Матннинг бир қисми 2016 йилда қўшимча ишланган ёки тўлдирилган.

© Квинт Владимир

объектининг фундаментал мақсадлари ва манфаатларини ифодалашга кўмаклашувчи вазифаларига мос равишда стратегик бошқарув тизимини шакллантириш ва унинг амал қилиш жараёнидир.

\*\*\*

**Дуёнинг глобал иқтисодий тузилиши (ДГИТ)** – глобал дунё тузилишининг кичик тизими, бизнеснинг глобал, минтақавий ва миллий институтлар билан нисбатан барқарор ҳамкорлиги таянчидир. ДГИТ глобал бозор ҳудуди ва глобал ҳамжамиятнинг асосан эволюцион ривожланишини рағбатлантиради. Компаниялар ва миллий иқтисодий институтлар уларга амал қилган ҳолда, глобал бозор ҳудудида бир-бири билан рақобатлашадиган ва ҳамкорлик қиладиган қоидалар ва анъаналар бўлиб, улар бунда инсон ҳуқуқлари, миллий манфаатлар ёки минтақавий ёки глобал стандартлар ва битимларга риоя қилишга интилишни намойиш этади.

\*\*\*

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ).** Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий-стратегик илдиэлари хориждаги тахминий рақобатга оид устунликка бориб тақалади: зарур сифатга эга ва қийматли ишчи кучи, фойдаланиш мумкин бўлган сармоя, самарали бошқарув тизими, техник-иқтисодий асослаш ва қабул қилинган стратегияга мувофиқ таваккалчиликларнинг бошқариладиган даражасида янада юқори ва тезкор даромад келтирувчи ноу-хау ва технологиялар.

\*\*\*

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таваккалчилиги,** бу – халқаро бизнеснинг ажралмас қисми бўлиб, у ташқи муҳит ёки компаниянинг ички ресурслари билан боғлиқ бўлган, олдидан билиш мумкин бўлган ёки билиб бўлмайдиган салбий ўзгаришлар таваккалчилиги, салоҳиятли стратегик йўқотишларга олиб келувчи бошқариладиган ва бошқарилмайдиган оқибатларга боғлиқдир.

\*\*\*

**Расмий стратегия** – стратегияларнинг якуний маҳсули, у аввал аниқлаштирилган прогнозларни ҳисобга олади, жамоавий қадриятлар ва манфаатларни, стратегиялаш объекти манфаатларини акс эттиради ва ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- миссия;
- узоқ муддатли нуқтаи назар (принциплар, манфаатлар, рақобат устунликлари билан таъминланган устуворликлар);
- мақсадлар;
- ресурслар билан таъминланган вазифаларни кўзда тутувчи мақсадларни амалга ошириш дастурлари;
- сценарий;
- сценарийни амалга ошириш бўйича стратегик режа;
- стратегияни амалга ошириш бўйича стратегик бошқарув ва стратегияни амалга оширилишининг мониторинги тизими.

## KEYNOTE DEFINITIONS

\*\*\*

**Strategy** is the system of finding, formulating and developing a doctrine that will ensure long-term success if followed faithfully. Strategy is wisdom with a defined vector to success and with an assessment of resource limitations.

\*\*\*

**The Strategist** is a wise, disciplined, and optimistic professional with a strategic mindset, a vision of the future, and intuition. He or she is armed with a strategizing methodology to utilize broad and deep knowledge of entities and a comprehensive understanding of the most influential objective trends.

\*\*\*

**Strategic Management System:** A managerial process of strategy formulation, implementation and functioning aimed at establishing or improving and enlarging the strategizing object's priorities according to its fundamental values and interests.

\*\*\*

**Formal strategy** is the final product of strategizing that takes into consideration priorly updated forecasts, public values, and interests, and which consists of a defined mission statement, long-term vision (including priorities), objectives, and goals. This long-term strategy must also include a particular scenario to be implemented via the strategic plan and a strategic management system that monitors its implementation.

\*\*\*

**Emerging Market Country (EMC):** An EMC is a society transitioning from a dictatorship to a free-market-oriented economy, with increasing economic freedom, gradual integration within the GMP and with other members of the global emerging

market, an expanding middle class, improving standards of living, social stability and tolerance, as well as an increase in cooperation with multilateral institutions.

\*\*\*

**Global Emerging Market (GEM):** The Global Emerging Market (GEM) is a new economic, strategic, and political phenomenon of the world economy and the global marketplace, encompassing emerging market countries and their regional blocs, which, despite varying geopolitical characteristics, are united by comparable levels of risk and developing free-market infrastructure. These factors of the GEM unify vectors of development of emerging market countries toward economic freedom and global integration, attracting international economic and business cooperation and competition.

\*\*\*

**The Global Marketplace:** The Global Marketplace (GMP) is a strategic system of economic relationships between consumers, companies, governments, and multilateral institutions from around the world that allows real-time cooperation and competition regardless of location.

\*\*\*

**The Global Business Order:** The global business order is a subsystem of the global order that provides a relatively stable framework for cooperation between businesses with global, regional, and national institutions, allowing the predominantly evolutionary development of the global marketplace. It is a set of customs by which corporations compete and cooperate with other businesses in the global marketplace, exploiting opportunities offered by it without violating human rights, national interests, or regional and global standards and agreements.

\*\*\*

**The Global Order:** The global order is a political and economic system of cooperation that emerges organically or as a result of the strategic influence of multilateral institutions, superpowers, and other nations, though not necessarily by cooperative means. The global order provides customary procedures, allowing the avoidance or mitigation of conflict while promoting stability and sustainable development by offering countries, regional blocs, and corporations a means to negotiate disputes amongst themselves and to develop mutually beneficial solutions to global challenges.

\*\*\*

**Foreign Direct Investment (FDI):** The roots of the economic strategy nature of FDI stem from competitive opportunities abroad: a workforce of appropriate quality, available capital, effective management systems, technology, and know-how – all of which lead to a high level of faster returns, with a manageable level of risk, as outlined by a comprehensive feasibility study and strategy.

\*\*\*

**Risk of Foreign Direct Investment:** Risk of FDI is an innate characteristic of cross-border business related to the threat of predictable or unpredictable negative changes of the external environment or of a company's internal resources, with manageable and unmanageable consequences leading to potential losses.

\*\*\*



# 1-БЎЛИМ. СТРАТЕГИЯ НАЗАРИЯСИНING ФАЛСАФИЙ ИЛДИЗЛАРИ

\*\*\*

Ҳозирги даврда ҳақиқий стратегик тафаккур ва стратегиянинг муҳимлиги ва самарадорлиги кўпинча етарли баҳоланмайди ёки унга аҳамият берилмайди. Амалда стратегик тафаккурдан ҳокимиятнинг ҳарбий ва давлат тузилмаларида қарийб уч минг йил давомида фойдаланиб келинган бўлса-да, стратегия ходисаси ҳақидаги билим ва аниқ тушунчалар мавжуд эмас эди. Стратегия, назарий концепция ва мустақил фундаментал категориялар соҳаси, бошқа фанлардан фарқли равишда, шаклланиш ва ривожланишнинг бошланғич босқичини бошидан кечирмоқда.

\*\*\*

Стратеглар ва етакчилар стратегиянинг турли тоифалари, принциплари ва қонунларини, стратегик фикрлаш қоидалари ва стратегиялаш жараёнларини жиддий ўрганиши, чуқур таҳлил қилиши ва тушуниши зарур. Бу эса ўта муҳим антик ва кейинги даврларнинг фалсафий (энг аввало, онтологик ва экзистенциалик) асарлари, мумтоз тарихий ҳарбий тадқиқотлар ва аналитик тадқиқотларни, шунингдек, етакчилик қарорларини қабул қилиш жараёни бўйича замонавий назарияларни ўрганишни тақозо этади.

\*\*\*

Файласуфларнинг аксарияти аниқ назарий тавсияларни ифодалаб бермаса-да, уларнинг ғоялари стратегиялаш амалиёти учун фалсафий тадқиқотлар ҳисобидан бойитилиши мумкин. Ҳозирги давр стратеглари тарихий, афсонавий ва замонавий етакчиларнинг асарлари ва ютуқларини таҳлил қилиш асосида ўзларининг стратегик тафаккурини чуқурлаштириши, ўз тажрибасини англаши ва амалиётини такомиллаштириши мумкин.

\*\*\*

Атроф-муҳитни ва фактларни чуқур англаш ва баҳолаш – файласуфлар ва стратегларни бирлаштиради. Бундан қатъи назар, файласуфлар улар асосида ўз хулосаларини чиқарадиган текширилган фактлар ҳақида кўпроқ қайғуради. Бу маънода улар, эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган, аммо стратегиялаштирилаётган истиқболда уларнинг аҳамияти камайиши ёки йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги туфайли файласуфлар учун аҳамияти кам бўлган мавжуд воқелиklar ва ўтмиш фактларига нисбатан ҳали номаълум бўлган иқтисодий жараёнлар, ижтимоий манфаатлар ва яратилаётган технологиялар ва келажак инновациялари ҳақида қайғурувчи стратеглардан муайян даражада фарқланади.

\*\*\*

Стратегнинг фаолияти янги стратегик проспектлар, устуворликлар ва сценарийларни яратишга йўналтирилган, бунда ўтмиш фақат қисман келажакка экстраполяция қилинади, “ҳозирги замон” мавжуд эмас, келгуси ижтимоий жараёнлар ва иқтисодий агентлар эса ҳатто узоқни кўра биладиган стратеглар учун ҳам муайян даражада ноъмалум бўлиб қолади. Ҳар доим ўтмишга ҳавола қилинадиган фактлар ва амалдаги технологиялар, стратегларга таҳлил учун зарур, мажбурий бўлмаса-да, келажакнинг стратегик сценарийсига кiritиш учун зарур. Аммо стратегиянинг фундаментал тамойиллари ва қонунларини белгилаб берувчи такрорланувчи ҳодисалар ва қонунларни исботлаш учун стратегиялаш бўйича назариячи ва амалиётчи олимлар аниқ мисоллардан ва ўтмиш аксиомаларидан фойдаланишлари мумкин.

\*\*\*

Стратегия бўйича буюк уста Сунь-Цзы (эрамиздан аввалги 544 – 496 й.) шундай деб ёзган:

«Лашкарбоши [аниқроғи, стратег – В.К.] бу:

- донишмандлик;
- ҳалоллик;
- раҳмдиллик;
- мардлик;
- қатъиятлилик демак».

\*\*\*

Стратегик тафаккур ва бой тажрибага эга ҳар қандай етакчи жангларда, рақобатчиликда ғолиб чиқиш ёки ҳокимиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш учун қурол-яроғ, капитал, табиий ресурслар, ёки ишчи кучини дарҳол қўллаш эмас, стратегик ғоялардан фойдаланишнинг заруриятини яхши англайди. Римлик давлат арбоби ва лашкарбоши Секст Юлий Фронтин (эрамизнинг I асри) ўзининг «Стратегеми» китобининг дастлабки иккита бобини стратегик режанинг аҳамиятига бағишланган; ушбу бобларда у рақибнинг режасини аниқлаб олмагунча ўз стратегиясини сир тутиш керак, дея таъкидлайди. Ушбу нуқтаи назар стратегиянинг энг муҳим дастлабки принципларидан ҳисобланади.

## 2-БЎЛИМ. СТРАТЕГ ШАХС ВА ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ СИФАТИДА

\*\*\*

Стратег бўлиш учун биринчи қадам сифатида стратегик тафаккурни шакллантириш зарур: ўз тафаккурини тўлиқ узоқ муддатли истиқболга йўналтириш, қутилмаган асимметрик ечимларга мурожаат қилиш ва ўзининг рақобатчилик устуворликларини яратиш ёки кучайтириш имкониятини берувчи инновацияларга доир нуқтаи назарини ва тушунчасини қайта шакллантириш керак.

\*\*\*

Стратеглар глобал қонуниятлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, ҳақиқий кадриятларни ва стратегиялаш объектининг манфаатларини аниқлай олиши, устуворликларни ифодалай олиши, уларнинг рақбатчилик афзалликлари билан таъминланганлигини баҳолаши, устуворликларга мувофиқ мақсад ва вазифаларни қўя олиши, ўзининг келажак ҳақидаги тасаввурлари маёқлари сари энг самарали йўлларни белгилаши керак.

\*\*\*

Стратегик тафаккур келгуси сценарий лойиҳасини тасаввур қилиш ва бошқа экспертлар томонидан амалга оширилган таҳлилларни ўрганиш ҳамда улардан фойдаланиш давомида олинган сигналларни қайта йўналтириш имконини беради. Стратеглар ҳар куни ўтмишни қайта баҳолаш, маълум аксиомалар ва қонуниятларнинг экстраполяцияси, келажак инновациялари ва сюжетларини тадқиқ қилиш билан шуғулланишга мажбур.

\*\*\*

Стратеглар тахминан олти-ўн икки ойдан сўнг қарор топадиган (янги стратегияни жорий қилиш пайтига келиб) стратегиялаш объектининг ташқи ва ички муҳитни яққол тасаввур қила олишлари ва олинган шартлар ва маълумотлардан

\*\*\*

Стратегия бўйича буюк уста Сунь-Цзы (эрамиздан аввалги 544 – 496 й.) шундай деб ёзган:

«Лашкарбоши [аниқроғи, стратег – В.К.] бу:

- донишмандлик;
- ҳалоллик;
- раҳмдиллик;
- мардлик;
- қатъиятлилик демак».

\*\*\*

Стратегик тафаккур ва бой тажрибага эга ҳар қандай етакчи жангларда, рақобатчиликда ғолиб чиқиш ёки ҳокимиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш учун кул-рол-яроғ, капитал, табиий ресурслар, ёки ишчи кучини дарҳол қўллаш эмас, стратегик ғоялардан фойдаланишнинг заруриятини яхши англайди. Римлик давлат арбоби ва лашкарбоши Секст Юлий Фронтин (эрамизнинг I асри) ўзининг «Стратегеми» китобининг дастлабки иккита бобини стратегик режанинг аҳамиятига бағишланган; ушбу бобларда у рақибнинг режасини аниқлаб олмагунча ўз стратегиясини сир тутиш керак, дея таъкидлайди. Ушбу нуқтаи назар стратегиянинг энг муҳим дастлабки принципларидан ҳисобланади.

## 2-БЎЛИМ. СТРАТЕГ ШАХС ВА ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ СИФАТИДА

\*\*\*

Стратег бўлиш учун биринчи қадам сифатида стратегик тафаккурни шакллантириш зарур: ўз тафаккурини тўлиқ узоқ муддатли истиқболга йўналтириш, қутилмаган асимметрик ечимларга мурожаат қилиш ва ўзининг рақобатчилик устуворликларини яратиш ёки кучайтириш имкониятини берувчи инновацияларга доир нуқтаи назарини ва тушунчасини қайта шакллантириш керак.

\*\*\*

Стратеглар глобал қонуниятлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, ҳақиқий кадриятларни ва стратегиялаш объектининг манфаатларини аниқлай олиши, устуворликларни ифодалай олиши, уларнинг рақбатчилик афзалликлари билан таъминланганлигини баҳолаши, устуворликларга мувофиқ мақсад ва вазифаларни қўя олиши, ўзининг келажак ҳақидаги тасаввурлари маёқлари сари энг самарали йўлларни белгилаши керак.

\*\*\*

Стратегик тафаккур келгуси сценарий лойиҳасини тасаввур қилиш ва бошқа экспертлар томонидан амалга оширилган таҳлилларни ўрганиш ҳамда улардан фойдаланиш давомида олинган сигналларни қайта йўналтириш имконинини беради. Стратеглар ҳар куни ўтмишни қайта баҳолаш, маълум аксиомалар ва қонуниятларнинг экстраполяцияси, келажак инновациялари ва сюжетларини тадқиқ қилиш билан шуғулланишга мажбур.

\*\*\*

Стратеглар тахминан олти-ўн икки ойдан сўнг қарор топадиган (янги стратегияни жорий қилиш пайтига келиб) стратегиялаш объектининг ташқи ва ички муҳитни яққол тасаввур қила олишлари ва олинган шартлар ва маълумотлардан

стратегияни ишлаб чиқиш учун таянч бошланғич платформалар сифатида фойдаланиши керак. Узоқ муддатли барқарор муваффақиятга, бозор худудида янги жойни излаш ва эгаллашга йўналтирилмаган стратегиясиз, янги технологиялардан фойдаланиш кўпинча вақтинчалик ютуққа олиб келади.

\*\*\*

Стратегнинг лаёқатлари ўрганилаётган статистик маълумотлардан ва эмпирик баҳолардан четлашиш даражасига ва айна пайтда уларни батафсил ўрганиш, шунингдек, энг муҳим характеристика ва шартларни интуитив тарзда ажратишга боғлиқдир.

\*\*\*

Стратег компания ҳукумат ёки стратегиялашнинг ҳар қандай объектини ўтмишдан келажакка етакловчи навигатор сифатида амал қилади, бунда прогнозлардан фойдаланади, башорат қилиш ва стратегиялашни амалга оширади, келажакнинг салоҳиятли таҳдидлари ва тўсиқларига жавоб қайтаради, имкон қадар улардан сақланади.

\*\*\*

Стратеглар салоҳиятли воқеаларни кўра билиши ва уларни стратегиялаш бўйича фикрлаш қувватига эга бўлиши, уларда стратегия амалга ошириладиган ва стратегиялаш объектини муваффақиятга етакловчи келажакнинг сиёсий, иқтисодий, технологик, экологик ва бошқа шартларини олдиндан белгилаган ҳолда ўзини келажак шароитларида ҳис қила билиши зарур.

\*\*\*

Стратегнинг муваффақияти унинг олдиндан кўра билиши ва нуктаи назарига, янги қонуниятлар шакллашини англай олишига, трендлари ва рақобат афзалликларига, уларнинг таъсир кучи ва самарадорлигини рақобатчилари ва душманларидан олдин кўра билиш лаёқатига боғлиқ.

\*\*\*

Глобализация қонуният сифатида узоқ муддатли таъсир кучига эга ўта муҳим маданий ва диний оқибатларга эга бўлиб, улар глобал бозор ҳудудида (ГБХ) ва унинг миллий ва ҳудудий кўшимча тизимларида иш юритувчи стратеглар томонидан тушунилиши, баҳоланиши ва фойдаланиши керак.

\*\*\*

Миллий даражадаги стратегларнинг одатдаги хатоси – ўз ҳудудлари доирасида амал қилувчи мамлакат корпорациялари ва хорижий корпорацияларнинг стратегияларини инкор этишни ташкил этади.

\*\*\*

Янги стратегияни ишлаб чиқиш ёки мавжуд стратегияни қайта кўриб чиқишни стратегиялар объектига ҳамда таъсирининг динамикаси мониторингига бевосита алоқадор бўлган етук ва кенг тан олинган қонуниятлар ва трендларни таҳлил қилишдан бошлаш керак. Муҳими – стратеглар ҳали намоён бўлмаган қонуниятлар ва трендларни кўра билиши, уларнинг кинематикаси ва салоҳиятли таъсирини тегишли тарзда стратегиялай олиши керак. Энг инновацион ва муваффақиятли стратегиялар кам маълум бўлган ёки ҳозирчалик – стратегияни амалга ошира бошлангунча англамаган қонуниятлар ва трендларнинг таҳлиliga асосланган.

\*\*\*

Стратеглар, албатта, иқтисодиётнинг ҳудудий ва секторга оид тузилмаси, илмий ёки ҳарбий салоҳияти ривожланишини (стратегиялаш объектига кўра), уларнинг суръати, ривожланиш мутаносибликлари ва йўналишларини тезроқ аниқлаш нуқтаи назаридан, биринчидан, янги салоҳиятли имкониятлар ва иккинчидан, салоҳиятли таҳдидлар нуқтаи назаридан таҳлил қилишлари керак. Аммо муайян минтақада маҳаллийлаштириладиган чуқур мафаатлар



## СТРАТЕГИЯЛАШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

ва миллий устуворликларни аниқлаш учун мутлақо бошқача турдаги таҳлил зарур. Уни ҳудуд ёки стратегиялаш соҳасидаги рақобатга оид устуворликларни аниқлашдан бошлаш зарур, токи ресурслар билан таъминланган тақдирда миллий аҳамиятга эга у ёки бу устуворликни амалга оширилишига кўмаклашиши мумкин бўлсин.

\*\*\*

Стратеглар стратегик режани амалга оширилишини мониторинг қилиши, шунингдек, кўзда тутилмаган кўнгилсизликлардан сақланиш йўлларини аниқлаши, юзага келган ҳолда уларнинг салбий таъсирини камайтириши, юз бериши муқаррар бўлган тўсиқлар ва асоратларни қандай енгиб ўтиш кераклигини аниқлаши зарур. Шунингдек, стратегияни амалга ошириш вақтини назорат қилиш ва унинг самарали жорий қилинишини рағбатлантиришни таъминлаш учун етакчилар ва раҳбарларни стратегик режалаштириш жараёнларини мониторинг қилиш тизимига киритиш зарур.

\*\*\*

Стратеглар иккита парадоксал маданий динамикани: маданиятларнинг глобал конверсияси ва айна пайтда миллий ва маҳаллий маданий ўзига хосликлар ҳамда кадриятларни сақлаш ва ҳимоялашни эътиборга олишлари зарур.

\*\*\*

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатларнинг аксариятида кузатилаётган урбанизациянинг юқори суръатлари хорижий стратеглар дуч келаётган маданий узилишнинг янада чуқурлашувига сабаб бўлмоқда.

\*\*\*

Маданий ва диний таваккалчиликлар ҳодисалар, омиллар ва стратегик категориялар сифатида стратеглар, иқтисодчилар, маданиятшунослар ва илоҳиётчиларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракатлари билан самарали ўрганилиши мумкин. Ушбу ҳодисаларнинг стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга таъсиридан кўз юмиш унинг

самарадорлигини пасайтиради, мураккаб иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга шу жумлаан, экстеримизм ва террорчиликка боғлиқ оқибатларга олиб келади.

\*\*\*

Хатто энг муваффақиятли стратегиялар ҳам шартлари ёки эҳтиёжлар ўзгарганлиги туфайли янги стратегияга ўтишни тақозо қилувчи босқичга етиб келади. Агарда стратегия таназзулга олиб келса ёки стратег яқин келажакдаги таназзулни кўра билса, стратегиянинг амалга оширилиши дарҳол тўхтатилиши керак. Аммо ҳатто стратегик ютуққа эришилган, динамик мувозанат таъминланган тақдирда ҳам стратеглар амалда биринчилардан бўлиб, сифат жиҳатидан янги ва янада самарали шартларда мувозанатнинг янги даражасига эришиш учун стратегиялаш субъектини эришилган мувозанатланган ҳолатни барбод этишга олиб боради. Шундай билан стратеглар стратегиялаш объектини стагнация ва турғунлик ҳолатидан янги устуворликларга эришиш ва тараққиёт сари етаклайди.

\*\*\*

Стратеглар ва стратегик етакчиларнинг унумли ва хатосиз фаолияти учун стратегик менежментнинг асосий элементлари, бошқарув функциялари – режалаштириш, асослаш ва назоратни, ҳамда стратегик қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнлари самарадорлигининг тегишли индикаторлари моҳиятини, улардан фойдаланиш усуллари ва шакллари тушуниш муҳим аҳамиятга эга.


\*\*\*

Шундай қилиб, стратег, бу – стратегик тафаккурга, кўп йиллик стратегиялашга асосланган келажакни кўра билиш лаёқатига ва интуицияга эга бўлган оқил, интизомли ва оптимистик руҳли профессионалдир. Стратег янги глобал қонуниятларни яхши англайди, ушбу объектнинг муваффақиятини кўпайтириш ва обрўсини ошириш учун стратегиялаш объектнинг фундаментал кадриятлари ва манфаатлари бўйича чуқур билимга эга.

### 3-БЎЛИМ. СТРАТЕГИК ФИКРЛАШ

\*\*\*

Стратегик фикрлашга учта ёндашув. Биринчи ёндашувни стратегик таҳлил объектнинг мавжуд кун тартиби чегарасидан ташқарида кенг кўламли ва олис муддатли фикрлаш, шунингдек, ҳаттоки улар объектнинг жорий фаоллигини тубдан ўзгартирса ҳам, муваффақиятга етакловчи инновацион радикал кутилмаган ва экспонент йўллари аниқлаш ва таҳлил қилишни талаб қилувчи янги уфқлар стратегияси деб атаёмиз. Иккинчи ёндашув яхшилаш стратегияси деб аталади. Ушбу ёндашув биринчисидан фарқли равишда асосан объектнинг қўшимча тизимлари, унинг элементлари ва функцияларининг тизимли таҳлиliga, шунингдек, уларнинг ўзаро алоқасига асосланган. Учинчи ёндашувни бирлаштириш стратегияси деб аташ мумкин. Ушбу ёндашувга кўра, инқилобий инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш билан бирга жорий самарадорлик ва даромадлиликка олдиндан амал қилаётган операцион тизимлар ва технологиялар ҳисобидан эришилади.



1-расм. Стратегик тафаккур жараёни босқичлари (бирламчи стратегиялаш босқичлари)

\*\*\*

Айниқса, ишлаб чиқиладиган стратегияни вақт омили бўйича ресурслар билан таъминланганлигини баҳолашда миқдорий таҳлилнинг фавқуллода аҳамиятига қарамасдан, интуиция стратегиялаш жараёнлари ва стратегик тафаккурнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади.

\*\*\*

## **КВИНТНИНГ СТРАТЕГИК ФИКРЛАШ БЎЙИЧА ЎН БЕШТА ҚОИДАСИ**

**1-қоида. Стратегияда соғлом фикрга таяниб бўлмайди (аксарият ҳолларда).**

Воқеликни ўткинчи англашга асосланган соғлом фикр, одатда, прогнозга, башоратга ва стратегик узоқни кўра билишга мутлақо зид бўлади. Стратегия ҳар кимга маълум бўлган нарсалардан узоқроқ ва чуқурроққа мўлжалланган бўлиши керак. Стратегия стратегиялаш объектининг ҳали мавжуд бўлмаган ва энди шаклланаётган воқеликка, стратегия уфқи билан белгиланган вақт даврига томон самарали ҳаракатланишига йўналтирилган.

**2-қоида. Стратегияда кўпинча кўпчиликнинг фикри хато бўлади.**


Зеро, одамларнинг аксарият қисми жамоавий билимга эга, аммо уларга таҳлил қилиш, келгуси ютуқлар ва рақиблар учун кутилмаган ғалабалар сари етакловчи йўллар ҳақидаги содда тасаввурлардан ташкил топган тонналаб жинслардан “олмосларни” — келажакнинг ҳақиқий ва узоқни кўзловчи стратегиясини ажрата олиш кўникмалари ва тасаввури етишмайди.

3-қоида. **Стратегик нуқтаи назардан, ҳозирги кун, бу – ўтмиш.**

Муваффақиятли стратегнинг профессионал стратегик тафаккури ҳар доим оддий одам тафаккуридан 3-5 йилга ўзиб кетади.

4-қоида. **Стратег муваффақиятли амалга оширилган ғолиблик стратегиялари тажрибаларини ўрганиши ва улардан фойдаланиши зарур.**

Стратеглар кўп даражада жорий ёки ўтмиш қонуниятлари ва аксиомаларини қўллашга таянмаслиги керак бўлса-да, улар томонидан тарих сабоқлари ҳисобга олинмаслиги янада ёмон. Ғолиблик стратегиялари ва ўтмиш қоидаларни эътиборга олган ҳолда уларни шаклланаётган трендлар, инновациялар ва технологик такомиллаштириш, юзага келаётган имкониятлар ва таҳдидлар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш зарур.



2-расм. Стратегнинг ўтмиш ва келажак орасидаги позицияси

## 5-қоида. **Бирон-бир стратегия абадий амалга оширилмайди.**

Стратег ёки етакчи учун раҳбариятни ва стратегиялаш объекти жамоасини аввалги стратегия стратегиялаш объектини ғолибга айлантирган ва у муваффақият самараларидан баҳраманд бўлишда давом этаётган бир пайтда янги стратегияни тайёрлашга кўндириш – мураккаб масала. Ва ҳатто стратегик таҳлил ташқи шароитларнинг жиддий равишда ўзгарганлиги ва принципиал жиҳатдан янги имкониятлар ва таҳдидлар юзага келганлигини кўрсатган тақдирда ҳам. Зеро, “соғлом фикр” жамоавий сохта қарашни рўқач қилади: “эски стратегия амал қилаётган бўлса, нима учун уни яхшилаш ёки ўзгартириш керак?”. Шу сабабли етакчи компанияга аввалги стратегия неъматларидан баҳраманд бўлиш пайти ниҳоясига етганлигига ишонтиришга нисбатан янги ташкил топган ёки муваффақиятсиз компаниянинг янги стратегияга ўтиши осон кечади.

## 6-қоида. **Инерцион тафаккур – стратегик тафаккурнинг асосий душмани.**

Ташкилотнинг стратегияси бўлмаса, муқаррар равишда уни инерция енгади. Инерция – инновацион стратегик мақсадлар йўлидаги асосий тўсиқдир. Ташкилот қанчалик йирик бўлса, инерцияни енгиб ўтиши шунчалик қийин. Шу сабабли алоҳида тадбиркорлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналари, майда ҳарбий бўлинмаларга ҳар доим ривожланиш йўналишини ва, умуман, ўз фаолияти кинематикасини ўзгартириш, рақобатчилар англаши қийин бўлган янги конфигурациявий ўзгаришларнинг асимметрик экспонет стратегияларини амалга ошириш осон кечади.

**7-қоида. Стратеглар олдиндан маълум бўлган стратегиялар моделлари ва сценарийларини ишлаб чиқмаслиги керак.**

Стратег учун кўра билиш мумкин бўлган сценарийларни таклиф қилиш хавфли. Рақиблар уларнинг оқибатларини осон стратегиялаштиради ва, энг аввало, ўз устуворликларига эришиш вақтини тежашга йўналтирилган самарали сценарийларни амалга оширади. Ноодатий сценарийлар – одатда, муваффақиятга етакловчи энг самарли йўлдир. Афсуски, ноанъанавий стратегия омад келтирганда, у кенг тарқалади ва рақиблар томонидан фойдаланилади. Стратеглар ўзларининг муваффақиятли стратегик таълимотлари рақиблар томонидан мослаштириб олинишига тайёр бўлишлари керак.

**8-қоида. Муваффақиятли стратегия ноҳалол бўлиши мумкин эмас.**

Стратегик мақсадларга эришишга ёрдам берадиган воситалар ахлоққа зид бўлиши мумкин, аммо ноҳалол бўлиши мумкин эмас. Стратегларнинг маънавий регуляторлари ва ахлоқий тавсифлари жамият учун стратегия амалга оширилиши натижаларининг этик қийматини белгилайди. Ҳақиқий ахлоқ тамойилларига қатъиян амал қилмасдан туриб, ушбу стратегия тўлиқ амалга оширилишидан анча аввал жамиятнинг ахлоқий етуклигининг янги даражасига боғлиқ равишда маънан эскирган бўлиб қолиши мумкин. Стратег ўзи муаллифлик қилган стратегиянинг амалга оширилиши таъсир қилганлар учун масъулиятни ҳис қилиши керак. Стратегияда куч ва ҳалоллик бир-бирини инкор этувчи хусусиятлар эмас. Шу сабабли ҳозирги давр глобал қадриятлар дунёсида ғолиб стратегия қудратли ва ҳалол бўлмоғи керак.

## 9-қоида. **Стратегларнинг вазифаси келажак парокандалигини тизимга ва муваффақиятли стратегик лойиҳага айлантиришдир.**

Стратеглар ҳар доим парокандалик билан иш юритади, зеро, келажак ҳали номаълум ва, демак, тизимлаштирилмаган. Учта стратегик ёндашувдан қайси бири танланганига боғлиқ равишда, стратеглар дуч келган ноаниқлик жиддий равишда фаркланади. Янги уфқлар стратегиялари ўзида юқори даражада ноаниқликни ва парокандаликни мужассамлаштиради. Ушбу тартибсизликда стратеглар энг яхши ва энг инновацион стратегик мақсадларни топиши ва ушбу ғояларни амалга оширилишини бошқаришнинг тегишли стратегик тизимини ишлаб чиқиши зарур. Тартибсизлик, бу – стратегларни ғоядан ажратиб турувчи нарса бўлиб, уларнинг стратегияси ушбу ғояга йўналтирилади. Иккинчи ёндашув – яхшиланиш стратегияси – ноаниқликнинг жиддий равишда паст даражаси билан боғлиқ. Танланган ёндашувдан қатъи назар, тартибсизлик ва ноаниқликнинг турли даражалари муқаррар. Стратеглар, янги стратегияни танлаш даврида яхшиланиш стратегияси таъсири остида бўлгани ҳолда, тартибсизликнинг солиштира салмоғи пастлиги туфайли уни янги уфқлар стратегиясидан афзал кўрмаслиги керак. Тартибсизлик – муқаррар. Демак, таваккалчиликни бошқариш стратегиянинг муҳим қисми ҳисобланади. Айти пайтда таваккалчиликка дуч келишга йўналтирилмаган ҳар қандай стратегия воқеликка асосланмаган бўлади. Агарда таваккалчиликлар стратегни бўлажак самарали имкониятдан четлаштирган бўлса, рақиблар бундай хатога йўл қўймасликлари муқаррар.

## 10-қоида. **Асимметрик жавоб стратегиялари ҳар доим симметрик стратегиялардан самаралироқ.**

Симметрик стратегия асосан рақибларнинг ишини такрорлайди, бу эса камдан-кам ҳолларда худди шундай муваффақият келтиради ва ҳеч қачон рақибларни хайрон қолдирмайди; улар ҳам бир жойда қотиб қолмайди. Симметрик стратегиялар орасидан эса энг самарасиз ва осон тахмин қилинадигани «қувловчи страте-



гиялардир». Рақиблар олдиндан тахмин қиладиган стратегик сценарий ҳар доим муваффақиятсиз. Асимметрик стратегик жавоб, иккинчи томондан, рақибларга таъсир кўрсатади ва уларни ўйлашга, баъзан ўз стратегиясини қайта кўриб чиқиш учун секинлашишга мажбур қилади. Асимметрик жавоб амалда рақибларнинг мижозларини жалб қилишга қодир товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ёки бозорда бошқалардан олдин янги йўналиш очишга имкон беради. Асимметрик стратегиялар уларни амалга ошириш учун рақибларнинг стратегияларига нисбатан камроқ вақт ва ресурслар талаб қилинганда самаралироқ бўлади. Ҳарбий соҳада эса асимметрик стратегик сценарий бошидан рақиб учун хавfli бўлмайди.

### 11-қоида. **Стратеглар ҳар доим оптимист бўлиши лозим.**

Стратеглар ўзларига бозор динамикаси кучи билан йўналтирилган, кўпинча етарли даражада самарали ва хавfli бўлган зарбага дош бера олиши керак, айникса, рақобатчилар тазйиқига дош бериши зарур. Стратеглар стратегиялашнинг барча босқичларида, стратегияни ишлаб чиқиш жараёнидан фарқли равишда, хусусан, кўп сонли одамлар жалб қилинадиган стратегияларни амалга ошириш жараёнида ўз оптимизмини қўллаб-қувватлаши лозим. Стратегияда қатъиятlilik ва чидамlilik ғалабанинг яқин қариндошлари ҳисобланади.

### 12-қоида. **Рақибга ҳар доим ортиқча баҳо бериш зарур.**

Стратег ва етакчига рақиблар фойдалана оладиган ресурсларнинг аниқ ҳажми, ёки ушбу ресурсларни оптималлаштириш стратегияси деярли ҳеч қачон маълум эмас. Бундан ташқари, ожиз рақобатчи ҳар доим ҳам мағлуб бўлавермайди. Рақобатчиларга ортиқча баҳо бериш стратег ва стратегияларнинг ғафлатда қолиб кетишига йўл қўймайди. Холбуки, рақобатчи ресурсларини хато ҳисоблаш ёки вақт омили бўйича унинг ресурсларни оптималлаштириш бўйича ўта самарали стратегияси қўлланганда ушбу ҳолат рўй бериши мумкин.

**13-қоида. Стратегик муҳим инновацияларни қўллаб-қувватлаш улкан стратегик устунликларни таъминлаши мумкин.**

Стратеглар ҳар доим экспонент-ривожланувчи инновацион ғояларни излаши ва стратегиялаш жараёнида уларни зудлик билан амалга оширишга имкон берувчи усуллар ва ташкилий шаклларни аниқлаши керак. Стратеглар билимнинг кўп соҳаларидаги ютуқлардан фойдалана билиши ва уларни стратегик рақобатда ғалабага йўналтирган ҳолда интеграциялаши керак. Стратегия қайси ташкилот учун ишлаб чиқиладиганлигидан қатъи назар, стратег самарали стратегик ёндашув, аниқ устуворликлар ва ғалаба сценарийларини танлашда муваффақиятга эришиши учун барча географик, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий, иқтисодий, ишбилармонлик ва технологик жиҳатлари баҳоланиши лозим.

**14-қоида. Стратеглар вақт омилидан детерминистик омил сифатида фойдаланиши лозим.**

Стратеглар учун фундаментал мулоҳазалардан бири стратегияни жорий этиш босқичига тааллуқли бўлиб, у қўшимча ресурслардан фойдаланиш ҳисобига стратегияни ишлаб чиқиш вақтини қисқартириш ёки қўшимча ресурсларни сарфламаслик, аммо бунинг натижасида стратегияни жорий қилиш муддатини узайтириш ўртасидаги танловдан иборат. Бу асосан капитал қўйилмалар ва ушбу инвестицияларнинг қопланиши учун зарур бўлган вақт ўртасидаги нисбатга бориб тақалади. Ушбу дилемма учун вақт – ҳар қандай ечим харажатларининг стратегик самардорлигини аниқловчи омилдир. Вақтни тежаш – стратегиянинг биринчи қонуни. Стратеглар ҳар доим вақт омилидан фойдаланган ҳолда рақибларнинг устунликлари эскиришига ёки бефойдалигига олиб келадиган стратегик ечимларни топишга интилиши керак. Аслида стратеглар ўзларининг стратегиялаштирилаётган объекти ва унинг меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларини оптималлаштириш учун вақт сар-

фини қисқартириш мақсадида ўз рақибларининг ресурсларидан фойдаланиш йўларини излаши керак.

**15-қоида. Стратеглар шунчаки раҳбарларнинг хоҳиш-истакларига таянмасдан, стратегиялаштирилаётган объектнинг ҳақиқий кадриятлари, манфаатлари ва устунликларини аниқлаши керак.**

Стратегия уни амалга ошириш учун масъул бўлган одамларга тушунарли бўлиши лозим. Аксарият ҳолларда стратегиялаштириш объекти раҳбарлари стратеглар томонидан амалга оширилган вазиятга оид ва стратегик таҳлил натижаларини чуқур англаш учун етарли вақтга ёки салоҳиятга эга эмас. Аммо стратеглар ушбу таҳлил натижаларига кўра шундай хулосага келиши мумкинки, стратегиялаштирилаётган объект раҳбариятининг устуворликлар ва муваффақиятга етакловчи йўл ҳақидаги қарашлари хато, айти пайтда раҳбарлар одамлар жамоаларининг ресурслари ва хатти-ҳаракатларини сохта ривожланиш йўналишларига жамлаш ниятида ва бу стратегиялаштирилаётган объектни катта йўқотишларга ёки таназзулга олиб келиши мумкин, деган хулосага келиши мумкин. Бу ҳолда стратеглар мижознинг таъсири остига тушмаслиги керак. Стратегиялаштирилаётган объект раҳбариятига келгуси стратегиянинг асосий ғоялари ва уни амалга ошириш натижаларининг қисқача баёни (short executive summary) тақдим қилиниши керак. Ишонтириш жараёнида унга келуси стратегиянинг ҳақиқий манфаатлари, устуворликлари ва рақобат устунликлари моҳиятини, оғишмай амалга оширилган тақдирда, стратегиялаштирилаётган объектни муқаррар ғалабага олиб келадиган келгуси стратегиянинг асосий ғоясини етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Стратегияни тақдим қилишда стратеглар аниқлик ва мураккаблик ўртасида мувозанатга эришмоғи лозим. Стратегия қанчалик мураккаб бўлса, у шунчалик асимметрик бўлади, рақобатчилар уни англаши ва қарши чоралар ишлаб чиқиши шунчалик қийин бўлади. Аммо бу ўринда мураккаб стратегияни амалга ошириши керак

бўлган одамлар жамоасига уни тушунтириш, стратегияни жорий қилиш бўйича узок йўлда уларнинг қўллаб-қувватлаши ва ташаббускорлигига эришиш қийин бўлишини ёдда тутиш зарур.

\*\*\*

Хорижий корхоналар ўзлари энди иш бошлайдиган мамлакатда унинг иқтисодий ривожланиши даражасини оширишга ҳисса қўшиши керак. Маҳаллий аҳоли хорижий компания фаолиятдан фойда олиши зарур. Ҳеч бўлмаганда, маҳаллий аҳоли азият чекмаслиги ёки бирон-бир ижтимоий устуворликларнинг камайишига дуч келмаслиги зарур.

\*\*\*

Хорижий компаниялар глобал ёки хорижий маданиятнинг миллий ва маҳаллий маданият билан бирга амал қилишини таъминлаши керак.

\*\*\*


Стратегиянинг муваффақиятли жорий қилиниши нафақат иқтисодий ва технологик омиллар билан белгиланади – қарор қабул қилувчи етакчилар ва асосий раҳбарларнинг шахсий таъсири, инсоний хусусиятлари, уларнинг стратегия бўйича жонқуярлиги муҳим роль ўйнайди. Профессионал стратеглар қарор қабул қилувчи етакчиларнинг стратегик фикрлаши принциплари ҳақида имкон қадар тўлиқ тасаввурга эга бўлиши лозим.

## 4-БЎЛИМ. СТРАТЕГИЯ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЛАРИ

\*\*\*

### Яхлит миллий стратегия концепцияси

Стратегия, бу – фундаментал фан ҳисобланади, аммо унинг асосий қонунлари, принциплари ва категориялари энди шаклланмоқда. Ҳар қандай стратегия – стратегиялаш объектдан қатъи назар, умумий табиатга эга ва, демак, умумий назарий асосга эга бўлиши лозим. Англашинадики, янада батафсил ва аниқ амалий тавсиялар стратегиялаштирилаётган объектнинг ўзига хос тавсифлари билан кўпроқ боғлиқ бўлиши керак. Стратегиялаштириш амалиёти стратегияларнинг турлари ва уфклари учун методологик асос ва услубий тавсияларни талаб этади. Стратегия ўз табиатига кўра тизимли, мультидисциплинар ҳодиса. Таъсири, кўп ўлчамлиги ва тузилишига кўра, у иерархияга асосланган. Шу сабабли стратегиянинг яхлит тизими миллий, минтақавий, соҳавий ва корпоратив стратегияларни интеграциялаши лозим. Шунингдек, у глобал муаммоларни ҳал қилиш стратегияларини ва ҳатто гуруҳлар, одамлар жамоаси ва индивидлар стратегиясини қамраб олади. Стратегияларнинг барча ушбу турлари ва даражалари ўзаро ҳаракатланиб, бир-бирига турлича кинематикага эга таъсир кўрсатади.



3-расм. Яхлит миллий стратегиянинг концептуал чизмаси

\*\*\*

Стратегиялашнинг назарияси ва услубиётига асосланган стратегия объектни бузғунчиликдан, обрўси тушишидан ва таназзулдан сақлаши, ўз соҳасида чўққиларга олиб келиши мумкин. Иккинчи томондан, битта нотўғри стратегик ғоя бутун бир стратегик таълимотни, умуман стратегиялаш объектини яқсон қилиши ва ушбу стратегик сценарийни ишлаб чиқиш ва жорий этишда эришлган барча нарсаларни йўққа чиқариши мумкин.

\*\*\*

Стратегия, бу – вақт, харажатлар ва макон бирлашувининг маҳсулидир, бу ўринда, макон дейилганда ишлаб чиқилган ва жорий қилинган инновацион стратегик ғоялар тушунилиши мумкин. Бу даражада ҳаммаси бўлиб иккита омил – вақт ва инновациялар стратегиялаш объектига ғолибликка оид ва олдиндан кўра билиш мушкул бўлган тавсифлар – жадаллашув ва асимметрияни бахшида этади.

\*\*\*

Глобализация шунга олиб келдики, корпоратив стратеглар нафақат халқаро, балки глобал даражада ҳам стратегияларни ишлаб чиқмоқда. Бундан ташқари, халқаро ва ҳатто ўрта корпорацияларда ҳам минтақавий иқтисодий блоklarда амал қилиш учун стратегиялар ишлаб чиқилмоқда.

\*\*\*

Ғоялар ва технологиялар билан кроссмаданий алмашинув глобал бозор маконининг (ГБМ) натижасига ҳам, омили ҳам бўлди. Бу эса стратегиялар, стратегик ва йиллик бошқарувнинг доимий эволюцияси ва мақбуллаштирилиши жараёнини жадаллаштиради.

\*\*\*

Корпоратив глобал стратегиянинг муваффақияти тизимли ўзгаришларга эга глобал шаклланаётган бозор (ГШБ) бизнес-маданиятлари ва диний анъаналарининг ўсиб боровчи таъсирининг ифодаланиши билан, айти пайтда бизнеснинг пухта йўлга қўйилган этикети ва ривожланган мамлакатлар компаниялари билан иш юритиш амалиётига эга ГФР нинг корпоратив маданиятлари конвергенцияси билан боғлиқ.

\*\*\*

Сиёсат, стратегия ва тактика – стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундан иборат: стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг йўл қўрсатувчисига, маёғига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат – бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир. Бошқача айтганда: *Стратегия қўшув Тактика тенг Сиёсатга.*

\*\*\*


Миссия, нуқтаи назар (шу жумладан принциплар ва рақобатга оид афзалликлар билан таъминланган устуворликлар) ва бевосита вақт ўлчовига қўйилган мақсадлар биргаликда стратегия концепциясини ташкил этади.

\*\*\*

Субординацияланган бўлинмалар – заводлар цехлари ёки мамлакат ҳудудлари учун стратегияларни ишлаб чиқишда интеграцияловчи тизим – тегишли равишда завод ёки мамлакатнинг стратегиясига амал қилиш муҳим. Бўлинмалар стратегиялари уларнинг шароитларига янада аниқ мослаштирилган бўлиши лозим ва айти пайтда корпоратив ёки миллий стратегиялар даражалари учун ҳаддан зиёд тор бўлиши

мумкин бўлган (минтақавий стратегияларни ишлаб чиқишда) ўзига хос технологик, ташкилий ёки ижтимоий трендларга йўналтирилиши мумкин. Одатда қўл остидаги бўлинмалар билан тескари алоқа, уларнинг стратегик концепцияларини қайта кўриб чиқилиши билан эмас, кўпинча фақат ресурс лимитлари билан боғлиқ бўлади, бу эса асосан турли бўлинмалар стратегиялари ва корпоратив даражадаги стратегия устуворликлари билан мослаштирилмаган ва ҳатто уларга зид бўлган корпоратив стратегияга олиб келади.

Минтақавий стратегияларда миллий устуворликлар эътиборга олинмаслиги ёки биринчи навбатдаги устуворликлар сифатида етарли даражада баҳоланмаслигига ҳам йўл қўйиб бўлмайди.



4-расм. Стратегия тизими



Худди шу ҳолат миллий ҳокимиятлар ҳудудлар раҳбарларига ва вазирликларга интеграциялашган услубиётсиз стратегик ишланмаларга топшириқлар берганда ҳам кузатилади.

Бу ҳолда тавсиялар ёзилган тонналаб макулатура ҳосил бўлади ва бу нафақат фойда келтирмайди, балки иқтисодиётга жиддий зарар етказиши мумкин. Бу миллий манфаатлар учун янада хавfli ҳисобланади.

\*\*\*

Стратегияда асосий иқтисодий зоналар ва уларнинг тоифалари – талаб ва таклиф, қиймат ва нарх – вақт омили таъсирида тубдан ўзгариши мумкин. Стратегик қарорларни қабул қилишда вақт омилидан белгиловчи омил сифатида фойдаланиш рақиблардан ўзиб кетиш, истиқболли жойларни биринчи бўлиб эгаллаш, биринчилар қаторида зарарига ишлаётган ва сўниб бораётган соҳаларни тарк этиш имконини беради. Шунингдек, биринчилардан бўлиб инновациялардан фойдаланиш ва уларнинг вужудга келиши ва ривожланиши бўйича экспоненциал характерига мос келиш имконини беради. Шу сабабли **стратегиянинг биринчи қонуни – вақтни тежаш қонунидир.**

\*\*\*

*Стратегиянинг иккинчи қонуни фақат ва мутлақ рақобат устунликлари билан таъминланган стратегик устуворликларни амалга оширишдан иборат.*

\*\*\*

Тактикасиз стратегия аввало вақт омили туфайли етарли даражада самарали бўла олмайди. Камига, унинг жорий қилиниши суст бўлиб, бу стратегиянинг самарадорлигини пасайтиради ҳамда рақобатчиларни жавоб чораларини кўришга мажбур қилади. Стратегиясиз тактика кўп ҳолларда фақат тактик мулоҳазалар билан иш кўрувчи стратегиялаш объектини инқирозга ёки рақобатбардошлик ва стратегик устунликларни йўқотишга олиб келади.

## 5-БЎЛИМ. СТРАТЕГИЯНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

\*\*\*

### 5.1. Прогнозлаштириш, стратегиялаштириш ва режалаштириш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги

Стратегиянинг назарияси ва амалиётида кенг тарқалган фикр шундан иборатки, прогнозлаштириш, стратегиялаш ва режалаштириш жараёнлари – моҳиятан бир хил. Ҳатто профессионал иқтисодчилар, прогноз қилувчилар ва режалаштирувчилар ўртасида ҳам ушбу атамалар синоним сифатида қўлланилади. Бундай “бирикма” моҳиятан хатодир: учта атаманиг ҳар бири, ички тавсифлари бўйича мутлақо турлича яқуний маҳсулотга олиб келувчи ноёб касбий фаолиятни таърифлайди. Стратегиялаштириш жараёни янги ишлаб чиқилган ва жорий этиш салоҳиятига эга деб ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар ва эксперт баҳолар воситасида прогнозлаштириш кенгайтирилган прогнозларнинг турлича шакллари пайдо бўлишига олиб келади. Айти пайтда режалаштириш – моҳиятан мутлақо бошқа ҳодиса: у бошқарув жараёнларига йўналтирилган, бунинг натижасида стратегик абрис, кейинчалик турлича тафсилотга эга режалар (режалаштириш уфқларига боғлиқ ҳолда) яратилади. Прогнозлаштиришдан аввалги келажакни тушунишнинг бошқача босқичлари ҳам мавжуд: башорат қилиш ва олдиндан кўра билиш. Интеллектуал фаолликнинг ушбу турлари анъанавий тарзда тушуниладиган билим ва методологиялардан фойдаланишга эмас, фақат (ёки шунга яқин) интуиция тубига кириб боришга асосланган бўлади. Интуициядан стратеглар ҳам фойдаланса-да, бу уларнинг келажакка етакловчи ягона воситаси бўла олмайди.

\*\*\*




5-расм. Прогнозлаштириш, стратегиялаштириш ва режалаштириш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

\*\*\*

## 5.2. Стратегияни ишлаб чиқиш босқичлари

Прогнозларнинг таҳлили, стратегиялаштириш объектининг ташқи ва ички муҳитини ўрганиш:



6-расм. Стратегияни ишлаб чиқиш босқичлари: ички ва ташқи муҳитни ўрганиш ва прогнозилаштириш

\*\*\*

Глобал, минтақавий ва соҳага оид трендлар ва қонуниятлар таҳлили кейинчалик глобал прогнозни долзарблаштириш учун, сўнгра – минтақавий ва соҳавий изланишлар ва мақсадга йўналтирилган прогнозлар учун фойдаланилади.

*Шу йўл билан келгуси рақобат устуликларини баҳолаш учун замин ва уларнинг асосида стратегиялаштирилаётган объект устуворликларини танлаш имконияти яратилади.*

\*\*\*

Соҳавий мақсадга йўналтирилган прогнозларнинг энг муҳим функцияси асосий рақобатчилар фаолиятини уч йилдан беш йилгача бўлган даврдаги проекцияси, шунингдек, технологик трендларни синчковлик билан кузатишдан ташкил топади.

\*\*\*

*Минтақавий прогнозлар*, одатда, ижтимоий ва сиёсий динамикаларнинг излашга оид таҳлилдан бошланади. Прогнозлашнинг ушбу тури компания уларда фаолият юритаётган ҳудудлар (жамоалар, микрорайонлар) билан чегараланмаслиги керак; кўшни ҳудудларда ҳам трендларни кузатиш зарур. Минтақавий динамика секторлараро асосда таҳлил қилиниши лозим. Мақсадга йўналтирилган прогнозлар ҳудуднинг соҳавий тузилмасида жиддий ўзгаришларга олиб келадиган трендларда жамланади. Минтақавий излашга оид прогнозларнинг асосий йўналиши бозорда, ҳарбийлар учун эса – салоҳиятли ҳарбий хатти-ҳаракатлар театри ёки қарама-қаршиликларда кутилаётган ўзгаришлар тенденциясининг мониторингига қаратилади.

\*\*\*

*Прогнозга оид фаолиятнинг яқуний натижаси муайян стратегиялаштириши объектига хос бўлган янги прогноз бўлиб, у ўта муҳим, объектнинг истиқболи билан бевосита ёки воситали тарзда боғланган, объектнинг жорий ва келгуси фаолиятига таъсир кўрсатувчи ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган глобал, соҳавий ва минтақавий трендларни очиб беради.*

\*\*\*

Прогнозлаштириш фазасининг асосий босқичи ташқи ва ички муҳитдан нусха олиш, уларнинг янги имкониятлар ва таҳдидлари баҳосини кўзда тутувчи ҳолис, стратегик йўналтирилган тавсифномасини яратишдан иборат. Ички муҳитнинг таҳлилидан фарқли равишда ташқи муҳитдан нусха олиш ва унинг тавсифини яратиш табиий ресурсларни, улардан фойдаланиш ва қайта тикланишига доир экологик чекловларни баҳолашдан бошланиши керак. Ушбу босқич меҳнат ресурслари ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ёки сармояни прогнозлаштириш ва тавсифлаш билан давом этиши зарур (бу қандай прогноз: соҳавий ёки минтақавийлигига боғлиқ ҳолда). Ташқи муҳитнинг ундан нусха кўчириладиган ва таҳлил қилинадиган сўнги омили – инновацион технологик ва илмий ютуқлар ҳисобланади.

\*\*\*

*Глобал, соҳавий ва минтақавий прогнозлар долзарб аҳамиятга эга бўлиши билан, стратеглар прогнозчилар томонидан стратегиялаштириш объекти учун хос бўлган прогнознинг ишлаб чиқилишини илгари суриши ва ушбу фаолиятда иштирок этиши зарур. Ушбу босқичда асосий эътибор объектнинг ички муҳитини сканерлашга ва таҳлил қилишга қаратилади. Стратеглар эса ушбу босқичда стратегиялаш объектнинг рақобат устунликларини сканерлаш жараёнида аниқланган янги имкониялардан фойдаланиш ва хавф-хатар, таҳдидларни бартараф қилиш нуқти назаридан аниқлаши ва ёритиши зарур.*

\*\*\*

Ички муҳитни таҳлил қилишда биринчи қадам стратегиялаш объектнинг технологик ва илмий ресурсларини, уларнинг шаклланаётган технологик трендлар билан ўзаро алоқасини ва ушбу трендларнинг объект келажаги учун, биринчидан, имкониятлар, ва иккинчидан, таҳдидлар, шунингдек, таълим даражаси, ходимларнинг янги илмий-технологик устунликлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан аҳамиятини баҳолашдан ташкил топади. Ушбу босқичда стратегларнинг бош вазифаси – рақобатчилар, муҳолифлардан ўзиб кетиш

ва вақт жиҳатидан, самарадорлик ёки маҳсулотнинг паст нархи ва натижа бўйича улардан ғолиб чиқиш имконини берувчи ноёб технологик афзалликларини аниқлашдан иборат. Баҳоланиши зарур бўлган навбатдаги базавий иқтисодий омил мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда амал қилувчи илмий-технологик, ўқув, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ҳисобланади. Бу ҳам ташқи муҳитнинг янги имкониятлари, бўлажак трендлар ва ўзгаришлар нуқтаи назаридан амалга оширилиши керак. Капитал, ходимлар (инсон капитали) ва ниҳоят хомашё (табiiй ресурслар) ва объект томонидан фойдаланилаётган бутловчи қисмлар стратегиялаштирилаётган даврда баҳоланиши лозим бўлган сўнги базавий объект ҳисобланади.

Сканерлашнинг ушбу тартиби шуни кўрсатадики, объектни ўзига хос прогностлашнинг энг муҳим масаласи объект ички муҳитининг барча бошқа базавий иқтисодий омилларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган технологиялар ҳисобланади. Стратегия нуқтаи назаридан объектнинг ўзига хос прогнозини ривожлантириш – прогностлашнинг якуний босқичи ва бевосита стратегияни ишлаб чиқа бошлашнинг биринчи босқичи ибтидоси ҳисобланади.

Ташқи ва ички муҳитни ҳамда прогноз объекти учун хос бўлган тавсифларини, сўнгра стратегиянинг биринчи элементлари – миссияси, нуқтаи назари (тамоийиллар ва устуворликларни танлашни қамраб олувчи) бошланғич тайёрлашни сканерлаш жараёни *Альберт С. Хамфри (Albert S. Humphrey) томонидан ишлаб чиқилган SWOT-таҳлил* – кучли ва кучсиз жиҳатларни, имкониятлар ва таҳдидларнинг кенг тарқалган таҳлиliga ўхшайди. Айни пайтда *SWOT-таҳлилнинг номи жарангли, аммо амалда таҳлилни назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам кучли ва кучсиз жиҳатлар таҳлилидан (Strengths u Weaknesses) эмас, ташқи муҳитдан, яъни имкониятлар ва таҳдидлар таҳлилидан (Opportunities u Threats) бошлаган маъқул. OTSW-анализ (Opportunities, Threats, Strengths u Weaknesses) аслида стратегик нуқтаи назар, объектнинг устуворликларини шакллантириш жараёнига кўпроқ мос келади, чунки компаниялар, ҳарбий қўшилмалар, минтақалар ва мамлакатларни тўсатдан рўй берадиган имкониятлар ва таҳдидларга самаралироқ тайёрлайди.*


### 5.3. Миссия ва нуқти назарнинг асосий компонентлари: ўзаро боғлиқлик

Миссияни ифодалаш – ташқи ва ички муҳитни сканерлаш, таҳлил қилиш ва прогностлаштириш натижасида яратиладиган биринчи амалий ҳужжат, бевосита стратегияни ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичи ва стратегиялашнинг барча кейинги босқичларидаги асосий кўрсаткичдир. Миссияни атиги бир нечта гап билан объект қайси соҳада, қайси ҳудудда фаолият юритиши, уни ташкил этишдан мақсад, объект мавжудлигини асослаб бериш, яъни ушбу стратегия объекти унинг хизматидан фойдаланувчилар, харидорлар, мижозлар ва юқори тузилмалар учун нега қимматли эканини ифодалаб бериш зарур. Миссия ҳеч қачон ходимлар қандай мукофот олиши, даромад ҳиссадорлар ёки раҳбарлар ўртасида қандай тақсимланиши, умуман олганда, объектнинг даромадларини ошкор қилмайди. Миссия, шунингдек, интилишларни намоён қилиш шакли ҳисобланмайди ва объектнинг муайян маҳсулоти ёки хизматлар линиясини ажратиб кўрсатишга хизмат қилмайди. ГРП ва халқаро рақобатни кучайтиришнинг сўнгги кучли тўлқинини шакллантириш, дунёдаги тартибни қайта форматлаш вақтидан бошлаб миссиянинг муҳимлиги сезиларли равишда ошди: бу объектнинг бутун ташқи (унга тегишли) дунёга илк мурожаатидир.

\*\*\*

Миссиядан сўнг стратегиялаш объекти (компания, ҳудуд, йирик ҳарбий бирикма, мамлакат)нинг қараши ишлаб чиқилади. Нуқтаи назар стратегияни ишлаб чиқишнинг энг англаб етилмаган элементларидан бири ҳисобланади. Одатда нуқтаи назар кўриб чиқиладиган стратегиянинг фалсафаси деб аталади. Айнан шу босқичда стратеглар стратегиянинг асосий тоифалари: стратегиялаш объектнинг қадриятлари, манфаатлари ва устувор жиҳатлари ўртасидаги боғлиқликни топишни бошлади, десак нотўғри бўлади. Стратегияни ишлаб чиқиш олдидан стратег стратегиянинг ушбу уч асосий унсури ўртасидаги боғлиқликни излаш ва бойитиш айнан у

масъул бўлган соҳага тааллуқли эканини доимо англаб туриши лозим, бироқ ушбу ижодий жараён якуний инъикосни айнан стратегик нуқтаи назарни стратегиянинг квинтэссенцияси сифатида таҳлил қилиш ва англаб етиш чоғида акс эттиради. Кўшимча равишда нуқтаи назар стратегияланаётган объект раҳбарлари ходимлар меҳнати ва ҳиссадорларни қай тарзда рағбатлантиришини тушунтириб бериши керак. Лекин нуқтаи назар таркибига миқдор баҳолари киритилмаслиги керак. Нуқтаи назар, бу – ташкилот ижтимоий масъулиятини қисқача тушунтириш учун стратегиянинг энг мақбул унсуридир.



7-расм. Миссия ва нуқтаи назар асосий компонентлари ўртасидаги боғлиқлик



\*\*\*

Жараён қадриятлар ҳақидаги маълумотларни йиғишдан бошланиб, ундан сўнг ушбу қадриятлар манфаатларга айлантирилади. Кейинчалик улар таърифланиб, маълум бир устувор жиҳатларда акс этади. Устувор жиҳатлар нуқтаи назарнинг якуний маҳсулидир. Улар қадриятлар ва манфаатларнинг ўзаро бирикмаси ҳисобланади. Моҳиятан айнан устувор жиҳатлар – стратегия якуний талқинининг яхлит эпицентри бўлиб, унда стратегиянинг тўлиқ амалий мазмуни ёрқин намоён бўлади. Стратегияни жорий этиш жараёни таъсиридаги одамлар қайсидир даражада стратегик устуворликлар тақдим этилиб, уларнинг манфаати амалга оширилаётгани ҳақида хабардор қилиниши даркор. Шундай бўлса-да, устуворликларда стратегия муваффақиятини таъминловчи манфаатларгина акс этиши мумкин.

\*\*\*

Стратегия деярли ҳамиша бир устувор жиҳатни амалга оширишни кўзда тутавермайди; инчунин, агар бу глобал ёки йирик миқёсли манфаатларга тегишли бўлса. Стратегияни амалга оширишнинг биринчи даври кун тартибига фақат самарали инновацион рақобат устуворликлари билан таъминланган афзалликлар киритилади. Шунингдек, стратегияни амалга оширишнинг биринчи даври давомида стратегияни жорий этишнинг кейинги даврлари устуворликларини амалга ошириш учун янги ёки аввалроқ йўқолиб қолган рақобатли илмий-технологик ва бошқа инновацион афзалликларни тиклаш молиялаштирилади.

\*\*\*

Стратегиялар стратегиялаш объекти дуч келиши мумкин бўлган қандайдир муаммоларни ҳал этиш учун эмас, балки устувор томонларга эришиш учун ишлаб чиқилади. Стратегиялашга бундай ёндашувгина узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик муваффақиятни таъминлаши мумкин. Муаммолар одатда ўтқинчи бўлиб, худди тонги туман каби пайдо бўлиб, бир зумда зойиб бўлади; устувор жиҳатлар эса стратегларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган нуқтаи назари, инсонлар тегишли қатламининг

чуқур манфаатлари ва қадриятларини акс эттиради. Аниқроғи, устувор жиҳатларни аниқлаш айнан шунинг учун ҳам муҳимки, улар атрофида стратегия объектининг барча заҳиралари жам бўлади. Устуворликлар мақсад, сўнгра стратегия объекти вазифаларини танлашнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади ва бу ҳам ўта муҳим.

\*\*\*

#### **5.4. Мақсадни белгилаш ва мақсадли дастурлар**

Мақсадни белгилаш, бу – стратегияни амалий воқеликка айлантиришнинг бошланишидир. Миссиянинг мазмуний қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ва нуқтаи назарнинг фалсафий пойдеворига асосланиб, мақсадни белгилаш устувор жиҳатларни сифатли йўналтириш, деталлаштириш, объект алоҳида мақсадлари субординацияси ва ўзаро алоқасини акс эттиради.

Мақсадни белгилаш бўлимнинг ҳажми ва стратегия мақсадларини ифода этиши уларни оддийгина санаб ўтишдан тортиб барча батафсил сифат тавсифлари ифода этилган бир неча ўнлаб саҳифада баён этилган фикрлардан фарқ қилиши мумкин.

\*\*\*

Стратегиянинг ҳар бир мақсадини амалга ошириш учун Мақсадли дастур ишлаб чиқилиб, унда вақт бўйича ўзаро боғлиқ ва барча ресурслар билан таъминланган вазифалар мужассам. Мақсад стратегик устуворликларни амалга ошириш учун сифатли мўлжал бўлса, вазифалар стратегиянинг асосланган миқдор характеристикасига эга биринчи элементидир.

\*\*\*

Стратегия миссияси, нуқтаи назари, мақсад ва вазифалари, бу – нафақат уни ишлаб чиқиш босқичлари, балки стратегиянинг мустақил ва шу билан бирга ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи асосий ҳужжатларидир.

\*\*\*

Вазифаларни белгилаб олиш стратегиялашнинг илк босқичи бўлиб, унда стратегияни жорий этиш учун талаб этиладиган ишлаб чиқариш, сотувлар, ходимлар ва бошқа барча ресурсларнинг миқдор характеристикаси ва баҳолаш кўрсаткичлари белгиланади. *Стратегияни ишлаб чиқиш ва шакллантиришнинг барча аввалги босқичлари мазмунига асосланган ҳолда вазифаларни амалга ошириш вақт шкаласига бевосита боғлиқдир. Бу мазмун жиҳатдан стратегияни янада ривожлантириш ва жорий этишнинг асосий жадвалидир.*

\*\*\*

*Стратегиянинг барча вазифалари вақт омилининг маълум бир таъсири остида объектнинг ресурс лимитлари кесимида белгиланади.*

\*\*\*

*Стратегиянинг энг муҳим ҳужжатлари – миссия, нуқтаи назар, мақсад, мақсадли дастурлар, ресурслар билан таъминланган яхлит вазифалар ишлаб чиқилган ва аввалдан маъқулланган бўлиб, стратегиялаш жараёнининг кейинги босқичи стратегик сценарийларнинг камида учта варианттини танлаш ҳисобланади ва улар ёрдамида маъқулланган устувор жиҳатлар, мақсад ва вазифаларга эришилади ва ниҳоят маъқул сценарий танлангандан сўнг уни амалга оширишнинг стратегик режаси ишлаб чиқилади.*

\*\*\*

Одатда стратеглар кўпинча кўриб чиқиш учун таваккалчилик, вақт ва самарадорликнинг ўзаро нисбатида сараланувчи учта стратегик сценарийни тақдим этадилар. Ушбу уч сценарийнинг ҳар бири учун стратеглар одатда стратегик сценарийни амалга ошириш учун таклиф этилувчи учта тактикадан иборат тактик блок ишлаб чиқадиладар.

\*\*\*

*Вақт омилидан ташқари, ташқи муҳитга тегишли чекловлар энг муҳим ҳисобланади, чунки улар стратегия объектига боғлиқ эмас ёки зарурат туғилганда ўзгартирилиши мумкин бўлган ички ресурслардан фарқли ўлароқ, унинг таъсирига берилиши ниҳоятда чекланган бўлади.*

\*\*\*

*Объектга нисбатан ташқи муҳит унинг стратегияси учун тизимли хавфни акс эттиради. Тизимли хавфни олдиндан айтиб бериш ва прогноз қилишнинг имкони бор, бироқ уни бошқариш деярли мумкин эмас ёки ўта чекланган.*

\*\*\*

*Стратегик режа жорий (йиллик) ёки тезкор режадан сезиларли равишда фарқ қилади. Стратегик режа нисбатан эгилувчан бўлиши, келгуси олдиндан айтиш қийин бўлган шароитларга мослашиш имконини бериши керак. Стратегик режа объектнинг келажакда амал қилиши билан боғлиқ аниқ специфик чевловларни ўз ичига олиб, уларда бешта асосий иқтисодий омил таҳлил қилинади. Бу хом-ашё ва бутловчи қисмлар, меҳнат ресурслари, сармоя ва операциян капитал (йирик миқёсли бюджет кўринишида), ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа инфратузилмаларни стратегиялаш мақсад ва вазифаларига эришиш мақсадида зарур кўламларни таҳлил қилишни таъминлайди.*

\*\*\*


*Реал вақт чекловлари стратегиялашнинг барча босқичлари — даромад стратегиясидан чиқиш стратегиясигача, барча бошланғич иқтисодий омилларни қамраб олган ҳолда, уларни тақсимлаш ва жойлаштириш, стратегияни амалга ошириш жараёнларида фойдаланиш мақсадида бирлаштириш учун белгиланиши керак.*

\*\*\*

*Схемада барча асосий стратегик ҳужжатларнинг ўзаро боғлиқлиги — миссияни ифодалаш босқичидан тортиб, стратегик сценарий, шунингдек, стратегик*

режани ишлаб чиқишгача бўлган босқич тақдим этилган. Стратегадар стратегияни тақдим этаётганда, ҳамма хужжатлар мижознинг махфий ахборотларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган барча мутасадди вакиллари, асосий ҳайъат органлари, ҳукумат ва ҳ.к лар раҳбарлари, кўмондон ва аъзолари учун бирдек тушунарли бўлиши керак.

**Глобал  
прогнозлар**



8-расм. Стратегияни шакллантириш

## 6-БЎЛИМ. СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ

\*\*\*

### 6.1. Тактика

Тактика – стратегия объекти стратегияни жорий этиш босқичида юзага келадиган жиддий муаммоларга қандай жавоб қайтаришини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилади. Ҳар бир стратегик сценарий учун учта тактика тайёрлаб қўйилиши лозим: биринчиси – минимал даражадаги таваккалчилик ва нисбатан паст натижалар билан, иккинчиси – ўртача хатар даражаси ва ниҳоят учинчиси – амалга ошириш мумкин бўлган имкон борича йўл қўйиладиган хавф даражаси билан, лекин у кўп миқдордаги ресурсларни талаб этади.

\*\*\*

Тактика – стратегияни жорий қилишнинг йўл харитасидир; у батафсил тузилган ва даромад стратегиясига қараганда ҳужжат сифатида шаклланган. Миқёслари нуктаи назаридан стратегияни ривожлантириш ва жорий этиш ҳамда стратегик менежмент тизимини шакллантиришнинг кўплаб деталлари, шунингдек, стратегия ва сиёсатнинг энг ёпиқ махфий жиҳати ва босқичи чиқиш стратегиясини қамраб олади.

\*\*\*

Тактика жорий ва тезкор режачалик деталлаштирилмаган. Тактика келишилган ҳужжатни ифодалаб, унинг унсурлари жорий ва тезкор режада ўз аксини топган. Стратегиялаш таҳлилчи ва амалиётчиларининг одатий хатоси стратегиянинг алоҳида, интеграция ва имманент бўлмаган қисми мақсадларидан далил келтирган ҳолда тактика ва стратегияни адаштириш чоғида юзага келади.

\*\*\*

Стратегияни жорий этишнинг якуний тактик босқичи – мониторинг ва унинг ижросини назорат қилишдан иборат бўлиб, улар ушбу стратегия амалиёт сифатида амал қилиши тугагунга қадар давом этади. Ушбу босқичда аввалроқ ишлаб чиқилган чиқиш стратегиясини жорий этишни бошлаш керак.


\*\*\*

## 6.2. Стратегияни якунловчи ресурс баҳолаш

Сиёсат кейинги деталлаштирилган стратегик ва тактик ривожланиш субъекти сифатида маъқуллангач, стратегиялашнинг кейинги итерацияси бошланиб, унда барча ресурс лимитлари такрорий равишда жадал таҳлил этилиши керак. Бу таҳлил концептуал ва математик моделлаштиришдан фойдаланиб, дастлабки маъқулланган сиёсат, сўнгра тактикадан бошланиб, маъқулланган стратегик сценарий шартларига мувофиқ амалга оширилади.

\*\*\*

Стратегик сценарий, тактика ва сиёсатни танлаш жараёни (босқичлар кетма-кетлиги).



9-расм. Стратегик сценарий, тактика ва сиёсатни танлаш

\*\*\*

«Ресурс» тушунчаси жуда кенг маънога эга: бошланғич иқтисодий омиллардан тортиб то табиий, экологик, меҳнат ва ҳатто маданий чекловларгача.

\*\*\*

Жорий этилаётган стратегиянинг йиллик иқтисодий таъсири уни ишлаб чиқишнинг иқтисодий самарадорлиги, барча харажатлар батафсил кўриб чиқилганда зарур ва мос технологиянинг жорий этилиш даражаси ҳақида тасаввур беради.

\*\*\*

Миқдорий таҳлил доим стратегик муваффақиятга эришиш учун муҳим аҳамият касб этувчи сифат белгилари билан тўлдирилиши керак. Қайд этилганидек, стратегиялашнинг аввалги босқичлари, хусусан, устувор жиҳатлар ва мақсадларни танлаш жараёнида аксарият ҳолларда баъзида айнан вақт шкаласи билан тўлдирилувчи сифат белгиларидан фойдаланилади. Бироқ вазифаларни ифода этиш ва мақсадли дастурларга тизимлаштириш босқичида вақт омилнинг белгиловчи таъсири остида миқдор белгилари устунлик қилади.

\*\*\*

Стратегияни жорий этиш босқичида вақт омилга таъсирчан ресурсларни таҳлил қилиш, бу – капитал қўйилмалар ортиши ва стратегияни жорий этиш босқичи давомийлигининг қисқариши ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилишдир.

\*\*\*

Вазифа стратегияларни амалга ошириш билан боғлиқ вақт омилни уни жорий этишга кетадиган харажатлар варианти билан баҳолашга олиб келади. Шунга қарамай, стратегияни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқарилган янги маҳсулот билан бозорга кириб бориш учун талаб этиладиган вақтни



қисқартириш мақсадида янги стратегия ва зарур инновацион технологияни жорий этиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган харажатларни кўпайтириш масаласини кўриб чиқар эканмиз, ушбу жараёнга умумий харажатларни кўпайтиришга интилмаслик керак. Бунинг ўрнига стратегияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ёки масалан янги стратегик ҳарбий операцияларни жадаллаштирувчи стратегияни жорий этиш босқичининг вақт бирликларига кетадиган сарфларни кўпайтириш жоиз. Лекин вақт бирлигига кетадиган харажатларнинг ошиши умумий харажатларни кўпайтиришни талаб этади. Демак, бу ўз-ўзидан сарфларни қоплаш даврининг ортишига олиб келади, вазифа стратегияни амалга оширишга кетадиган умумий харажатларнинг ортишини иқтисодий жиҳатдан самарали бўлишини таъминловчи инвестицияларнинг ўсиш оптимал чегараларини белгилашдан иборатдир.

\*\*\*

Маълум шароитларда харажатларни стратегияни жорий этиш босқичида ошириш иқтисодий ва стратегик жиҳатдан самарали бўлиб, бунда ушбу босқич давомийлигини қисқартириш талаб этилади. Бироқ жорий этиш даврини умумий қисқартириш сарф-харажатларни қоплаш даврини умумий қисқартиришдан (мутлақ рақамларда) ошмаслиги керак.


\*\*\*

Вазифалар  
прогнозлар

Тармоқ прогнози

Минтақавий прогноз

СТРАТЕГИЯЛАШ ЖАРАЁНИ



10-расм. Стратегиялашда мақсадли дастурлар, лойиҳалар ва технологик платформаларнинг ўзаро алоқаси

### **6.3. Бозорнинг ўзига хос жиҳатлари ва стратегияни жорий этиш соҳаларини ҳисобга олиш**

